БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

8-йил чиқиши

№ 123 (1901)

23 июнь Жума 1961 йил

Баҳоси 2 тийин

Н. С. ХРУШЧЕВ Олмаотага келди

ОЛМАОТА, 22 ИЮНЬ (ТАСС). КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ Н. С. ХРУШЧЕВ ҚОЗОҒИСТОН ССРНИНГ ВА ҚОЗОҒИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ ҚИРҚ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАРДА ҚАТНАШИШ УЧУН БУГУН ОЛМАОТАГА КЕЛДИ.

ОЛМАОТА АЭРОПОРТИДА Н. С. ХРУШЧЕВНИ ҚОЗОҒИСТОН КОМПАРТИЯСИ ВА ҲУКУМАТИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ҚУТИБ ОЛДИЛАР.

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ АБАДИЙ БАРҲАЁТ ҚАҲРАМОНЛИГИ

Улуғ Ватан уруши бошланган куннинг 20 йиллиги муносабати билан Москва жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши

Бундан йигирма йил муқаддам, энг янги техника асосида қуролланган маккор, ёвуз душман — гитлерчилар Германияси Совет Иттифоқига хиёнаткорона ҳужум қилди. Совет халқи қаттиқ жангларда Октябрь ғалабаларини, ўз Ватанининг озодлиги ва мустақиллигини қаҳрамонона сақлаб қолди.

1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан уруши бошланган куннинг йигирма йиллиги муносабати билан, 21 июнда Катта Кремль саройида Москва жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши бўлди. Мажлислар залига пойтахт корхоналари ва муассасаларининг ишчилари, инженерлари, хизматчилари, олимлар, ёзувчилар, жамоат арбоблари Совет Армиясининг жангчилари йиғилдилар. Уларнинг кўплари Ватан уруши қатнашчиларидир. Залда ҳозир бўлганлардан кўпининг кўкракларига фашизмга қарши жангларда кўрсатган шонли зафарлари учун олган орден ва медаллар тақилган.

Ложаларда дипломатик корпус вакиллари, чет эл журналистлари ўтиришибди.

А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, Н. Г. Игнатов, Ф. Р. Козлов, А. Н. Косигин, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. А. Муҳитдинов, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, В. П. Мжаванадзе, Г. И. Воронов ўртоқлар президиумга чиққанларида залдагилар уларни гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар.

Президиумда СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош штабининг бошлиғи Совет Иттифоқи Маршали М. В. Захаров, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи Совет Иттифоқи Маршали Ф. И. Голиков, Совет Иттифоқи Маршаллари И. Х. Баграмян, С. С. Бирюзов, С. М. Буденний, А. И. Еременко, И. С. Конев, К. С. Москаленко, К. К. Рокоссовский, С. К. Тимошенко, В. И. Чуйков, Авиация бош маршали К. А. Вершинин, Совет Иттифоқи флот адмирали И. С. Исаков, адмираллар С. Г. Горшков ва А. Г. Головко, қўшин турларининг маршаллари, адмирал ва генераллар, пойтахт жамоатчилигининг вакиллари ҳам ўтиришибди.

Йиғилишни КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари П. Н. Демичев очади.

Совет Иттифоқи Маршали Ф. И. Голиковнинг таклифига мувофиқ, йиғилиш қатнашчилари ўртоқ Н. С. Хрушчев бошлиқ КПСС Марказий Комитети Президиумини гулдурос қарсаклар билан фахрий президиумга сайлайдилар.

Тантанали дақиқа... Қирқ беш ничи йил апрель ойининг унутилмас кунларидан бирида рейхстаг устига ўрнатилган Ғалаба байроғини залга олиб кирадилар. Залда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси ўрнидан туриб, қизғин қарсак чалади. Байроқни рейхстагга штурм қилишда қатнашган Совет Иттифоқи Қаҳрамони полковник К. Я. Самсонов кўтариб боради. Бу тарихий байроқни фашистлар қалъасининг гумбазига ўрнатган Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари М. А. Егоров ва М. В. Кантария ҳам у билан бирга боради. Никита Сергеевич Хрушчев урушнинг шавкатли қаҳрамонлари қўлини маҳкам қисиб, уларни табриклайди.

Улуғ Ватан уруши бошланган куннинг 20 йиллиги тўғрисида доклад қилиш учун СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновскийга сўз берилади.

(Ўртоқ Р. Я. Малиновскийнинг доклади газетамизнинг бугунги сонида босилди).

Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Совет Иттифоқи Маршали В. И. Чуйковга сўз берилади. У Улуғ Ватан уруши кунлари тўғрисидаги, жумладан Сталинграднинг қаҳрамонона мудофааси ҳақидаги хотираларини сўзлаб беради.

— Вазият жуда оғир эди,— деди ўртоқ В. И. Чуйков,— душман Сталинградни бомбардимон қилиб ва ўққа тутибгина қолмай, унинг снарядлари Волга дарёси оша учиб ўтар ва фронт команда пункти яқинига тушар эди.

Генерал Чуйков Сталинград жанги кунларида бу ерда фронт қўмондони А. И. Еременко ва ҳарбий кенгаш аъзоси Н. С. Хрушчев билан учрашган эди. Биз Сталинградни каттиқ туриб сақлаб қолишимиз ва бу билан армиямиз душманни тор-мор келтира олишига халқнинг ишончини мустаҳкамлашимиз керак, деган эди ўшанда Н. С. Хрушчев.

Гитлерчиларнинг қўлида, деб давом қилади В. И. Чуйков, катта кучлар бор эди. Жанглар билан 5-10 километрни босиб ўтиш, Сталинградни эгаллаш ва совет қўшинларини Волгага улоқтириб ташлаш уларга оддий вазифа бўлиб туйилган эди. Фашистлар Сталинградда чинакам жаҳаннам вужудга келтиридилар. Улар ҳамма нарсани тугатдилар-у, лекин Коммунистик партия тарбиялаган ва раҳбарлик қилган, Ватан йўлида ҳар қандай жасорат кўрсатишга қодир бўлган совет кишиларининг маънавий кучини тугата олмадилар.

Сталинградда қаҳрамонлар кўп эди, лекин шаҳарни айрим қаҳрамонлар қаттиқ туриб сақлаб қолгани йўқ. Бу вазифани сталинградчиларнинг бутун шонли коллективи ҳал қилди. Аҳил, жипс, жанговар коллективни вужудга келтиришда, деб таъкидлайди В. И. Чуйков, фронт Ҳарбий Кенгашининг аъзоси, содиқ ленинчи Никита Сергеевич Хрушчев жуда катта роль ўйнади. Ўртоқ Н. С. Хрушчев сталинградчиларнинг жони-дили эди.

Ўртоқ Чуйков ўша кунларда Америка ва Англия матбуоти сталинградчиларнинг жасоратларидан қойил бўлганлигини изҳор этган эди, деб эслатади. Сталинград жангининг урушнинг тамом бўлишига кўрсатган таъсирини эндиликда камситишга уринаётган ҳозирги замонинг шўрингўргур тарихчилари эътироф қилиб айтилган ана шу сўзларни тез-тез қайтариб ўқиб турсинлар, деб тавсия этади Маршал.

Нотиқ таъкидлаб айтдики, сталинградчилар ғалаба қилибгина қолмадилар, балки катта жанговар йўлни босиб ўтиб, Берлингача бориб етдилар.

— Антифашист коалициянинг курашнинг умумий ишига қўшган хиссасини биз юксак қадрлаймиз,— деди Совет Иттифоқи Маршали В. И. Чуйков.— бирок тарихий ҳақиқат шундайки, Берлинни штурм қилган вақтимизда биз озод қилган ҳарбий асирлардан ташқари Берлин атрофида биронта ҳам америка, инглиз ёки француз солдати йўқ эди. Шу сабабли АҚШ, Англия ва Франция ҳукмрон доираларининг Берлинда қандайдир алоҳида ҳуқуқлар даъво қилишлари мутлақо асоссиздир.

Маршал В. И. Чуйков ўз нутқининг охирида совет халқини, Коммунистик партияни, унинг Марказий Комитетини ишонтириб айтдики, Совет Иттифоқи Қуролли Кучлари мамлакатимизда коммунизм қурилишига халақит беришга уринувчиларнинг ҳаммасининг адабини бериб қўяди.

Адмирал А. Г. Головко Шимолий флотга олти йил қўмондонлик қилди ва шундан тўрт йил уруш йилларида қўмондонлик қилди. Адмирал бугун Кремлдаги йиғилишда сўзга чиқиб, Ватан ўз денгиз чегараларини қўриқлаш учун қўйган совет кишиларининг қаҳрамонлиги ва мардлиги ҳақида хикоя қилиб берди.

Шуни эслатиб ўтиш зарар қилмайдики, деб давом этди А. Г. Головко, фашист қўмондонлиги Кола ярим оролини, Полярний, Мончегорск, Мурманск шаҳарларини, Заполярьемиздаги ҳамма пунктларни эгаллашнинг олдиндан тузилган, кунлар ва ҳатто соатлар бўйича тақсимлаб қўйилган планига эга эди. Лекин барибир, қурукликдаги, ҳаводаги ва денгиздаги кучлари очиқдан-очиқ устун бўлишига, жанговар тажрибада гоят жиддий устун туришига, гитлерчилар хиёнаткорона ҳужум қилиши натижасида таъшаббус ўз қўлида бўлишига қарамай, улар бизни Заполярьеда янчиб ташлай олмади.

Фашистлар совет Заполярьесига ўз юришини қаердан бошлаган бўлса, ўша ердаги қоялар ва тепаликларгача қувиб бориб, тор-мор келтирилдилар.

Адмирал нутқининг охирида бундай деди: совет халқи фашист агрессорларга қарши қаҳрамонона қуролли кураш бошлаган кун сифатида тарихга кирган санага бугун назар ташлар эканмиз, биз 20 йил мукаддам ўша кунларда бўлгани каби ўз-ўзимизга яна шу сўзларни айтамиз: хушёрлик ва яна хушёрлик керак; бу — давримизнинг қонунидир. Улуғ Ватан урушининг бошланиши билан боғлиқ бўлган воқеаларни ҳар биримиз эслашдан ҳам кўра эсда тутишимиз керак Ҳамиша эсда тутишимиз керак!

Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Армия генерали Н. И. Крилов таъкидлаб айтадики, немис-фашистлар ҳарбий машинасининг зарбаси халқаро реакция кучлари томонидан ва аввало Америка империализми томонидан тайёрланган эди. Биринчи жаҳон урушида мағлубиятга учраган Германиянинг ҳарбий экономикасини Америка долларининг олтин ёмғири мевага киритди. АҚШ миллиардерлари гитлерчилар армиясини бокиб парвариш қилдилар, унинг кўлига агрессияни амалга ошириш қуролини топшириб қўйдилар.

Армия генерали Н. И. Крилов Одесса, Севастополь, Сталинград учун олиб борилган жанглар тўғрисидаги хотираларини сўзлаб берди.

Тарихни сохталаштирувчилар, деди ўртоқ Крилов, гитлерчилар Германиясини рус даштлари, кахратон совуғи ва немис кўмондонлигининг хатолари ҳалок қилди, деб ёлғондан даъво қиладилар. Буржуа ҳарбий тарихчилари фашистлар Германиясини тор-мор келтиришда АҚШ билан Англия ҳал қилувчи роль ўйнади, деб кўрсатиш учун бўёқларни аямайдилар. Империалистлар тарихий ҳақиқатни сохталаштирувчилардан, бир томондан урушни «қайта ўйнаш» мумкинлиги ҳақидаги фикрни ҳозирги замон агрессив кучларига сингдириш учун янги уруш пропагандасининг идеологик қуроли сифатида фойдалансалар, иккинчи томондан Совет Иттифоқининг ўсиб бораётган халқаро обрўйига ва социализмнинг жуда катта жозибадор кучига қарши кураш қуроли сифатида фойдаланмоқдалар Совет Армияси уч йил мобайнида фашист Германиясининг армияси билан яккама-якка жанг қилганлигини ҳамма яхши билади. Гитлерчилар Германиясини тор-мор келтиришга совет халқи ҳал қилувчи ҳисса қўшганлигини дунёдаги барча софдил кишилар алоҳида миннатдорчилик билан эътироф этадилар.

Урушдан кейинги тараққиёт тажрибаси, деб давом қилди ўртоқ Крилов, иккинчи жаҳон урушини бошлаб беришда айбдор бўлган капиталистик мамлакатларнинг реакцион кучлари инсониятга душман, ёт бўлган уруш планларидан воз кечмаганликларини, куролларини ташламаганликларини кўрсатади. Социализмга нисбатан синфий душманлик кўзларини кўр қилиб қўйган бу реакцион кучлар инсониятни жаҳон урушига олиб келган аввалги сиёсатни ўтказишга уринмоқдалар. Эндиликда Америка империалистлари реакциянинг асосий кучи бўлиб иш кўрмоқда, жаҳонга ҳоким бўлишни даъво қилмоқда. Америка империалистлари Ғарбий Германияни уруш хавфининг ўчоғига айлантирмоқда. Америка империалистлари атиги 16 йил мукаддам Европада одамлар қонини дарё қилиб оқизган гитлерчи генералар қўлига ялпи қирғин қуролини бериб қўйди. Бундан ҳам машъумроқ ва шармандалироқ факт бўлиши мумкинми? Афтидан, ўтмиш сабоқлари империалистик давлатлардаги ҳозирги корчалонларнинг аклини киритиб қўймаганга ўхшайди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати, деди пировардида генерал Крилов, янги урушнинг олдини олиш учун изчиллик билан курашмоқдалар, тинчликсевар ташқи сиёсатни қатъият билан ўтказиб келмоқдалар. Айни маҳалда партия ва ҳукумат империалистларнинг агрессив ниятларини ҳисобга олиб, Ватанимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқдалар.

Партизан қўшилмаларининг командирларидан бири Совет Иттифоқи Қаҳрамони, отставкадаги генерал-майор А. Н Сабуров минбарга чиқади. У ўзи командирлик қилган қўшилманинг жанговар ҳисобида душманнинг 30 мингдан ортиқ ўлдирилган солдат ва офицери борлигини маълум қилади. Гитлерчилар тушган ҳамма жанговар техника, ёнилги, ўқ-дори ва бошқа юклар ортилган 300 дан ортиқ эшелон қулатилди. Қўшилма душман вақтинча босиб олган 9 та областда ҳаракат қилди. Неча минглаб мард партизанлар фашистларга қарши жанг қилди, неча ўн минглаб оддий совет кишилари халқ қасосчиларига кун сайин мадад бериб турди. Қўшилма составида Совет Иттифоқи Қаҳрамони, капитан Ян Налепка командирлигидаги чехословак партизан отряди, Роберт Сатановский командирлигида поляк отряди, Юзеф Майер бошчилигидаги венгер ватанпарварлари группаси бор эди.

Капитан Ян Налепка Украинадаги Овруч шаҳрини озод қилиш вақтида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Партизанлар Совет Армияси кисмлари етиб келгунга қадар бу шаҳарни уч кечаю кундуз давомида қўлларида сақлаб турдилар. Венгер коммунисти Юзеф Майер Украинадаги жангларда ҳалок бўлди.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Н. Сабуров Катта Кремль саройининг минбаридан туриб, қуролдош ўртоқларига, фашизмга қарши умумхалқ курашининг қатнашчилари бўлган Европа мамлакатларидаги Қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг барча курашчиларига партизанлик саломи йўллади.

Биз шу билан фахрланамизки, деди ўртоқ Сабуров, юз берган вазият тақозоси билан Ватанимиз ташқарисидаги қамоқ лагерларига тушиб қолган ўртоқларимиз совет кишисининг номусига иснод келтирмадилар. Франция, Польша, Чехословакия, Италия, Югославия, Бельгия, Норвегия ва бошқа мамлакатлардаги партизанларнинг сафларида ўзларига муносиб ўринни топиб олдилар. Ўртоқ Сабуров ана шу мамлакатларнинг гражданларига, ўз ҳаётини таҳлика остида қолдириб, совет кишиларини қутқарган, уларнинг сафга қайтиб келишига ёрдам берган кишиларга кизғин миннатдорчилик билдирди.

Нотиқ Улуғ Ватан уруши йилларида партизанлар ҳаракати Совет Армиясига таъсирчан ёрдам кўрсатганлигини ҳамда умумхалқ оммасининг душман билан курашда иштирок этишининг қудратли оммавий формаси бўлганлигини уқтириб ўтди.

Ўртоқ Сабуров партизанларнинг жанговар ҳаракатларига юксак баҳо берганликлари учун партия ва ҳукуматга чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирди. У собиқ партизанлар номидан гапириб айтдики, уларнинг ҳаммаси тинчликсевар совет таклифларини қизғин қўллаб-қувватлайдилар, чет эллардаги Қаршилик миллий ташкилотлари билан бўлган буён ҳам алоқалар ўрнатиб, бу алоқаларни кенгайтира берадилар, шу тариқа умумий куч-ғайрат сарфлаб дунёдаги барча халқлар учун азиз бўлган тинчликни каттиқ туриб ҳимоя қила берадилар.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони М. А. Егоров ўзининг жанговар йўли ҳақида гапирди. 16 ёшли ўспирин йигитлик чоғида у Смоленск областида ҳаракат қилган партизанлар отрядига киради. Егоров душманнинг 5 га эшелонини ҳалокатга учратганлиги учун Қизил Юлдуз ордени ва Биринчи даражали «Ватан уруши партизанига» медали билан мукофотланади. 1944 йил охиридан бошлаб Совет Армияси сафларида хизмат қилади. 1945 йилдаёқ Егоров Берлинда бўлади, оғир кўча жангларида қатнашади.

Ўрток Егоров Рейхстаг қандай штурм қилинганлигини, Ғалаба байроғи Рейхстаг устига қандай ўрнатилганлигини батафсил сўзлаб беради.

Разведкачилардан уч киши — Иванов, Кантария ва Егоров полк штабига чакирилдилар. Бу ерда полковник Зинченко уларнинг қўлига полк байроғини топшириб, капитан Неустроев батальони билан биргаликда Рейхстагга ёриб кириш, иложи борича тезрок Рейхстаг қуббасига чиқиб олиш ва унда байроқни ўрнатиш вазифасини қўяди. 48 кишидан иборат автоматчилар ротаси составида ана шу уч разведкачи артиллериямизнинг ўти остида Рейхстагга ёриб ўтиши керак эди. Улар Рейхстагдан 30 метр берида турар эдилар. Рота ўрнидан баралла кўтарилиб, «Ура!» садолари билан олга қараб ташланди. Аммо рейхстагга ротадаги солдатларнинг ҳаммаси етиб бора олмади. Фақат 14 киши тирик қолди. Иванов ҳам халок бўлди. Жангчилар Марказий залга кириб қолдилар. Бу ерда жанг бошланиб кетди. Рота командири Сиянов зални кўлда сақлаб колишни буюради. Орадан сал вақт ўтгач, яна иккита хона кўлга олинади. Шу ердан айланма зина оркали иккинчи қаватга кўтарилинади ва у ердан томга чиқиб олиб, байроқни вақтинча бронза от ҳайкалига ўрнатадилар. Қоронғи тушгач, байроқ қуббага кўчириладди ва рейхстаг устига ўрнатилади.

М. А. Егоров ўз нутқини тамомлаб бундай деди: «Биз коммунизм қурмоқдамиз. Бироқ империалистлар бизнинг тинч меҳнатимизга халақит беришга интилмоқда, янги жаҳон урушига тайёрланмоқда. Агарда улар янги уруш бошлаб юборадиган бўлсалар, уларнинг бошига ҳам гитлерчилар Германиясининг бошига тушган кун келишини империалистлар билиб қўйсин.

Донгдор учувчи уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация генерал-лейтенанти А. И. Покришкин Совет авиаторларининг ажойиб қаҳрамонликлари тўғрисида гапирди. Совет авиаторлари бутун армиямиз билан биргаликда Ватан озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар. Урушнинг дастлабки кунларидаоқ, деди у, кескин жангда зарурат тугилиб қолган тақдирда таранни қўлланиш қирувчи учувчилар ўртасида қонда бўлиб қолди. Бутун уруш давомида душман учувчиларидан биронтаси бу усулдан фойдаланишга журъат этолгани йўқ. Ҳолбуки совет учувчилари ёлғиз Москва ёнидаги жангларнинг ўзида 30 марта ҳаво таранини мувафақиятли қўлландилар.

Авиация Улуғ Ватан уруши ғалабаларининг тарихий китобига кўп шонли саҳифалар ёзди. Бизнинг учувчиларимиз ҳаво жангларида фашистлар ҳаво флотининг асосий кучларини — салкам 70 минг душман самолётини уриб туширдилар.

Совет Иттифоқи Улуғ Ватан урушида ғалаба қозонib, деб давом қилди А. И. Покришкин, тинчлик учун астойдил кураш олиб бормоқда. Бизнинг тинчликка интилаётганимиз ҳар бир оддий кишига, ҳар бир меҳнаткашга тушунарлидир. Коммунизм ва тинчлик ажралмасдир. Бироқ, шуни унутмаслик керакки, янчиб ташланишдан қочиб қолган гитлерчилар ва уларнинг ҳомийлари яна қуролланиб, реванш олишга ҳозирланмоқдалар. Биз уруш сабоқларини яхши эслаймиз. Партия ва ҳукуматнинг ғамхўрликлари туфайли бизнинг Қуролли Кучларимиз фан ва техниканинг энг янги муваффақиятлари даражасида турибди.

Биз ҳеч кимга дўқ урмаймиз, ҳеч кимга ҳужум қилмоқчи эмасмиз, деди пировардида А. И. Покришкин, лекин Совет Иттифоқининг хавфсизлигига чангал солишга ботинадиган ҳар қандай истилочи ер юзидан супуриб ташланади, деб айтамиз.

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация генерал-лейтенанти А. И. Покришкин Совет авиаторларининг ажойиб қаҳрамонликлари тўғрисида гапирди. Совет авиаторлари бутун армиямиз билан биргаликда Ватан озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар. Урушнинг дастлабки кунларидаоқ, деди у, кескин жангда зарурат тугилиб қолган тақдирда таранни қўлланиш қирувчи учувчилар ўртасида қонда бўлиб қолди. Бутун уруш давомида душман учувчиларидан биронтаси бу усуллдан фойдаланишга журъат этолгани йўқ. Ҳолбуки совет учувчилари ёлғиз Москва ёнидаги жангларнинг ўзида 30 марта ҳаво таранини мувафақиятли қўлландилар.

Авиация Улуғ Ватан уруши ғалабаларининг тарихий китобига кўп шонли саҳифалар ёзди. Бизнинг учувчиларимиз ҳаво жангларида фашистлар ҳаво флотининг асосий кучларини — салкам 70 минг душман самолётини уриб туширдилар.

Совет Иттифоқи Улуғ Ватан урушида ғалаба қозонib, деб давом қилди А. И. Покришкин, тинчлик учун астойдил кураш олиб бормоқда. Бизнинг тинчликка интилаётганимиз ҳар бир оддий кишига, ҳар бир меҳнаткашга тушунарлидир. Коммунизм ва тинчлик ажралмасдир. Бироқ, шуни унутмаслик керакки, янчиб ташланишдан қочиб қолган гитлерчилар ва уларнинг ҳомийлари яна қуролланиб, реванш олишга ҳозирланмоқдалар. Биз уруш сабоқларини яхши эслаймиз. Партия ва ҳукуматнинг ғамхўрликлари туфайли бизнинг Қуролли Кучларимиз фан ва техниканинг энг янги муваффақиятлари даражасида турибди.

Биз ҳеч кимга дўқ урмаймиз, ҳеч кимга ҳужум қилмоқчи эмасмиз, деди пировардида А. И. Покришкин, лекин Совет Иттифоқининг хавфсизлигига чангал солишга ботинадиган ҳар қандай истилочи ер юзидан супуриб ташланади, деб айтамиз.

Тинчлик учун курашаётган барча софдил немисларнинг овози ана шундай.

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг аъзоси бўлишим сифатида тинчлик поездларида делегациялар билан ва оддий турист сифатида бизнинг мамлакатимизга келган ҳар хил мамлакатларнинг кўпгина вакиллари билан учрашишга тўғри келди. Биз каби уларнинг ҳаммаси ҳам мустаҳкам тинчлик ўрнатилишини чин юракдан истаётганлигини биламан.

— Ўтган урушда ҳалок бўлган болаларнинг онаси бўлган мен, шу дамда барча мамлакатлардаги тинчлик тарафдорларига, бутун ер юзидаги оналарга ва ўзлари эркалаб катта қилган фарзандларининг муваффақиятларидан ҳозир қувонаётган оналарга ҳамда оналик қувончини эндигина татиб, бешикдан кўзларини узолмай турган ёш оналарга мурожаат қиламан, мен уларга, тинчликнинг барча дўстларига шундай чақириқ билан мурожаат қиламан: ҳушёр бўлайлик! Мустаҳкам тинчлик учун курашдаги ўз куч-ғайратларимизни тагин ҳам маҳкамроқ бирлаштирайлик! Янги уруш ёўлини тўсиб қўяйлик! Халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик ғояларини ҳамма жойда тантана қилаверсин!

Гулдурос қарсаклар билан кутиб олинган КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев йиғилишда нутқ сўзлади.

(Ўртоқ Н. С. Хрушчев нутқи газетамизнинг бугунги сонида босилди).

Йиғилиш қатнашчилари якдиллик билан КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматига табрик хати қабул қилдилар.

Оркестр Совет Иттифоқининг давлат гимнини ижро қилди.

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КИЕВ ШАҲРИНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

1941 йил июль—сентябрь ойларида Совет Украинаси пойтахтини мудофаа қилиш вақтида немис-фашист босқинчиларга қарши курашда Киев шаҳри меҳнаткашларининг кўрсатган қаҳрамонлиги учун қаҳрамон шаҳар — КИЕВ ЛЕНИН ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1961 йил 21 июнь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«КИЕВ МУДОФААСИ УЧУН» МЕДАЛИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

1. Қаҳрамон шаҳар Киевнинг қаҳрамонона мудофааси қатнашчиларини мукофотлаш учун «КИЕВ МУДОФААСИ УЧУН» деган медаль таъсис этилсин.

2. «Киев мудофааси учун» медали тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

3. «Киев мудофааси учун» медалининг тасвири тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1961 йил 21 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

18 июнда «Қизил Ўзбекистон» газетасида Қорақўл районидаги «Октябрь» колхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шарофат Баракаеванинг мактуби босилди. Шарофат Баракаева Ўзбекистондаги барча пахтакорларга мурожаат қилиб, уларни ғўза парваришини кучайтиришга, сувдан тежаб-тергаб фойдаланишга, ғўзани суғориш ва озиқлантиришни моҳирлик билан қўшиб ўтказишга, пахтадан машинада териб олиш талабларига мос келадиган даражада юқори ҳосил етиштириш учун бутун агротехника тадбирларн комплексидан тўлароқ фойдаланишга чақирди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Республиканинг атоқли пахтакори Шарофат Баракаеванинг ватанпарварлик ташаббуси маъқуллансин.

2. Шарофат Баракаеванинг мурожаатини барча колхоз ва совхозларда муҳокама қилиб чиқишни ташкил этиш область ва район партия комитетларига топширилсин. Ғўза парваришини кучайтиришга, қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларига қарши курашга, сувдан тежаб-тергаб фойдаланишга, юқори ҳосил тўпланишини таъминлаш учун суғоришни бошқа агротехника тадбирлари комплекси билан қўшиб ўтказишга алоҳида эътибор берилсин.

Экиннинг шундай парвариш қилиниши таъминланснки, ўстирилган ғўза машина терими талабларига жавоб берадиган бўлсин.

3. Шарофат Баракаеванинг мурожаати республика газеталарининг ҳаммасида, область, районлараро ва район газеталарида босиб чиқарилсин.

Газеталарнинг редакциялари ва радиоэшиттириш ҳамда телевидение комитети зиммасига ғўза парваришининг боришини мунтазам равишда ёритиш, ғўзани машина теримига мослаб ўстиришдаги илғор хўжаликлар ва трактор-далачилик бригадаларининг тажрибаларини кенгроқ ёритиш, пахтадан мўл ҳосил тўплаш учун фидокорона курашаётган пахта далаларининг азаматлари тўғрисида материаллар бериб туриш вазифаси юклансин.

УЛУҒ ВАТАН УРУШИГА БАҒИШЛАНГАН ВИСТАВКА

МОСКВА, 22 июнь. (ТАСС). Улуғ Ватан уруши бошланган кунининг 20 йиллиги муносабати билан М. В. Фрунзе номли Совет Армияси Марказий уйининг ёзлик боғида «Совет Қуролли Кучлари 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида» деган виставка очилди.

Виставка павильонининг учта залига салкам уч мингта экспонат қўйилган.

Виставканинг махсус бўлими Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти жангчиларининг урушдан кейинги йилларда қўлга киритган муваффақиятларига, СССР Қуролли Кучларининг социалистик мамлакатлар армиялари билан жанговар ҳамкорлигига бағишланган.

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ 1941—1945 ЙИЛЛАРДАГИ УЛУҒ ВАТАН УРУШИ БОШЛАНГАН КУНГА ЙИГИРМА ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СССР МУДОФАА МИНИСТРИ СОВЕТ ИТТИФОҚИ МАРШАЛИ Р. Я. МАЛИНОВСКИЙ ДОКЛАДИ

Азиз ўртоқлар!

Бизнинг Совет Ватанимизга гитлерчилар Германияси хиёнаткорона ҳужум қилган ҳамда Совет Иттифоқининг немис-фашист босқинчиларга қарши Улуғ Ватан уруши бошланган кунга эртага йигирма йил тўлади.

Улуғ Ватан уруши совет Ватани учун энг машаққатли ва энг оғир синов бўлди; гитлерчилар Германияси учун эса бизнинг мамлакатимизга қилинган ҳужум Гитлер томонидан ҳарбий авантюрага тортилган герман халқининг мусибати, фашистлар Германияси ҳалокатининг даракчиси ва бу ҳалокатнинг қайтариб бўлмайдиган бошланиши бўлди.

Улуғ Ватан уруши бошланган вақтдаги тарихий шароитлар халқаро муносабатларнинг айниқса мураккаблиги билан эҳтиёжли турарди. Маълумки, герман империализми биринчи жаҳон урушида мағлубиятга учраганидан кейин Америка, Англия ва Франция монополияларининг берган катта ёрдамлари туфайлигина ўз иқтисодий ва ҳарбий кучини қайта тиклаш ва кўпайтиришга муваффақ бўлди. Ғарб давлатлари Германия орқали, сўнгра эса герман фашизми орқали шундай кучни топишни мўлжалладиларки, уларнинг ҳисобларига кўра бу куч дунёда биринчи социалистик давлатни емириб ташлаш ҳамда халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракатни бостириш керак эди.

Совет Иттифоқи тинчликни сақлаб колиш ва фашистлар Германияси томонидан қилинаётган агрессиянинг олдини олиш учун актив кураш олиб борган бир вақтда АҚШ, Англия ва Франциянинг ҳукмрон доиралари фашист агрессорлар билан муросасозлик килиш ва тил бириктириш сиёсатини юргиздилар.

Гитлернинг ҳамма кирдикорларн: Рейн зонасини босиб олгани, Австрияни босиб олгани, Чехословакияни бутунлай Германияга кўшиб олгани ва сурбетлик балан амалга оширган бошқа агрессив ҳаракатлари жазосиз колаверди. Англия, Франция ва АҚШ ҳукуматлари фашист давлатлари кучайиб бораётганлигига қарамай, бу давлатларга кетма-кет ён бераверидилар.

Ғарбдаги империалистик давлатлар Гитлерга эрк бериб қўйганликлари ҳам озлик қилиб, улар Германиянинг ҳарбий кучини оширишга катта ёрдам кўрсатдилар. АҚШ, Англия ва Франция Германиянинг экономикасига миллиард-миллиард доллар маблағ қўшиб, немис фашистларининг тиш-тирноғигача қуролланишига ёрдам бердилар. «Дранг нах остен» деб немис милитаристлари ташлаган қисқа, лекин ошкора шиор Англия ва Франция ҳукмрон доираларнинг дидига жуда мос келар эди.

Ҳозирги кунда қидинаётган ишларнинг кўпи бундан йигирма йилдан кўпроқ вақт илгари қилинган ишларга ўхшаб кетади. Ғарбдаги капиталистик давлатларнинг ҳукуматлари тариҳ сабоқларини унутиб, ўтмишдаги хатоларни такрорлашни давом эттирмоқдалар: иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ Ғарбий Германияга яна-кўп миллиардлаб доллар сарфлади, унинг ҳарбий потенциалини сақлаб колди ва бундесверни қуроллантиришни ҳозирги вақтда давом эттирмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ АБАДИЙ БАРҲАЁТ ҚАҲРАМОНЛИГИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ 1941—1945 ЙИЛЛАРДАГИ УЛУҒ ВАТАН УРУШИ БОШЛАНГАН КУНГА ЙИГИРМА ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СССР МУДОФАА МИНИСТРИ СОВЕТ ИТТИФОҚИ МАРШАЛИ Р. Я. МАЛИНОВСКИЙ ДОКЛАДИ

(Боши биринчи бетда)

Ўша вақтда Совет ҳукумати тамомила бошқача сиёсат юргизди. Якинлашиб келаётган иккинчи жаҳон уруши хавфининг дастлабки ўчоқлари пайдо бўлиши биланоқ, Совет Иттифоқи жаҳон империализмининг ана шу хуружларини зийраклик билан кузатиб турди ҳамда уруш яқинлашаётганлигига тўғрисида жаҳон афкор оммасини жиддий равишда огоҳлантирди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси бизнинг Ватанимиз ва бутун дунё устида даҳшатли хавф-хатар пайдо бўлаётганлигини тушунди ва кўрди. У, герман фашизмининг ҳақиқий башарасини очиб ташлади. Совет Иттифоқи фашист агрессорни жиловлаб кўйишга, унга янги уруш бошлаш имкониятини бермасликка қатъиян бел боғлаган эди. Ўша вақтда бу, амалга оширса бўладиган мутлақо реал мақсад эди. «Агарда, — деган эди Н. С. Хрушчев, — 1939 йилда, яъни Франция ва Англия делегациялари Совет Иттифоқида бўлган вақтида, французлар билан инглизлар музокараларга жиддийроқ қараганларида эди, уруш келиб чикмаган бўлур эди».

Бироқ, Англия ва Франция ҳукуматлари бирон-бир конкрет, амалий чоралар кўришни истамадилар. Улар фашист агрессорга коллектив равишда зарба бериш фикридан узоқда эдилар. Англия ва Франция ҳукуматлари ўз мамлакатларидаги жамоатчилик фикрининг тазйиқи остидагина Совет Иттифоқи билан хўжакўрсинга музокаралар олиб боришга мажбур бўлдилар-у, аслида музокараларни барбод қилишга, Совет Иттифоқини оғир аҳволга солиб қўйишга ва пировардида, Совет Иттифоқининг якка ўзини фашистлар Германияси ва унинг иттифоқчилари билан урушга тортишга интилдилар.

Ғарбда, Совет Иттифоқи иккинчи жаҳон урушининг бошланишига ёрдам берди, у Гитлерга уруш сари йўл очиб берди, деган тўқматлар ва афсоналар тарқатишни яхши кўрадилар. Лекин, ойин этак билан ёпиб бўлмайди. Ғарб давлатлари ҳукуматларининг ўзи иккинчи жаҳон уруши бошланишига айбдор эканлигини фактлар яққол айтиб турибди. Халқаро империализм капиталистик лагерининг ҳамма кучларини ўзи ёмон кўрган социализм мамлакатига қарши кураш байроғи остига жипслаштиришга интилди. Советларга қарши ягона фронт вужудга келтирилишнинг олдини олиш ва Ватанимизнинг ҳарбий конфликтга тортилишига йўл қўймаслик учун Совет ҳукумати ўша вақтдаги мураккаб шароитда шошилинч чоралар кўриши лозим эди. Ғарб давлатларининг ана шундай ёвузликка ёзламачилиги орқасида Совет Иттифоқи немисларнинг ҳужум қилмаслик тўғрисида СССР билан Германия ўртасида шартнома тузиш ҳақидаги таклифига рози бўлди. Совет Иттифоқи гитлерчилар Германияси билан урушни кейинга сурди ва вақтдан қарийб икки йил ютди, ва, энг муҳими, ана шу шартнома тузилиши натижасида ўша вақтда ишчи ва деҳқонларнинг бирдан-бир давлати, бутун дунёдаги меҳнаткашлар оммасининг таянчи ва умиди бўлган Советлар мамлакатига қарши капиталистик давлатларнинг ягона фронтини вужудга келтириш имконияти бартараф этилди.

Француз ва инглиз сиёсатдонларининг фашистлар Германияси кучини Шарққа, Советлар мамлакатига қарши буришга қаратилган мўлжаллари пучга чиқди. Иш бунинг тескарисича бўлди. Гитлер урушни Ғарбий Европа давлатларига қарши, яъни кўп миллионли армияни барпо қилиш ва қуроллантиришда ўзига ёрдам берган давлатларга қарши бошлади. Ғарбий Европа тор-мор келтирилди ва ҳитлер оёғи остига йиқилди. Ламанш бўғозигина ўша вақтда Англияни шундай кулфатдан сақлаб қолди.

Гитлерчилар армияси Ғарбда осонлик билан қўлга киритган ғалабалари шуҳратининг қайфини сура бошлади. Гитлерчилар армияси ҳақиқатда ҳам жанговар тажриба орттирди ва ўшанда урушиш ҳавасини анча олди, юришлар ва силжишлар вақтидаги қийинчиликларни кўриб, маълум даражада чиниқди.

Фашистлар армияси ўша вақтда даҳшатли куч ҳисобланарди. Оқибатини айтиш керакки, бундай кучли ҳарбий машинани тарих ҳали кўрмаган эди.

Герман фашизми Ғарбий Европа мамлакатларини асоратга солиб ва уларнинг потенциал қудратини сафарбар этиб, зўр куч тўплаб олгач, ҳужум қилмаслик тўғрисида СССР билан тузган шартномасини ёвузларча бузди ҳамда ўзининг бутун жуда катта ҳарбий машинасини бизнинг мамлакатимиз устига ташлади.

* * *

Фашистлар Германияси Совет Иттифоқига ҳеч қандай даъволар кўрсатмасдан туриб, 1941 йил 22 июнь куни саҳарлаб қўққисдан бизнинг мамлакатимизга жуда зўр кучга эга бўлган зарба ёғдирди. Фашистлар Германияси 5,5 миллионга яқин солдатни олдиндан сафарбар этган ва Совет Иттифоқига карши тўғрилаб қўйган эди. Гитлерчилар бизнинг мамлакатимизга 190 дивизияни, қарийб 5 мингта самолётни, 3500дан ортиқ танкни, 50 мингдан ортиқ тўп ва миномётни ташлади.

Фашистлар Германиясининг ҳужум қилиши билан Совет Иттифоқи ўз тарихининг алоҳида, ҳарбий босқичига қадам қўйди. Бу босқичда халқнинг, Коммунистик партиясининг, Совет ҳукуматининг бутун фаолияти битта вазифага — социалистик Ватани ҳимоя қилиш ҳамда душман устидан ғалаба қозонишга бўйсундирилган эди.

Совет Иттифоқига қарши уруш олиб бориш орқали фашизм жаҳонга ҳоким бўлишга эришиш билан боғлиқ бўлган вазифаларни ҳал қилиш йўлларини қидирди.

Германиянинг ҳукмрон доиралари ишлаб чиққан уруш планлари ва урушдан кейинги тартиб планлари Ватанимизни парчалаб ташлаб, уни фашистлар Германиясининг мустамлакасига айлантиришигина кўзда тутмас эди, балки, шунингдек у, неча ўн миллионларча русларни, украинларни, белоруслар ва Совет Иттифоқидаги бошқа халқларни қириб битиришни ҳам кўзда тутар эди. Фашист босқинчилар «Ост» деган махсус план ишлаб чиққан эди. Мудҳиш ёвузликларни ўз ичига олган бу планни Шарқий Европа ерларида амалга ошириб, улар ўз ориқ ирқининг ҳукмронлигини мустаҳкамлаб қолмоқчи эди.

Немис фашизми бошлаб берган уруш империалистик, босқинчилик характерига эга бўлди. Совет Иттифоқи адолатли, озодлик уруши олиб борди. Совет Иттифоқи социализм ғалабаларини ҳимоя қилиб ва бутун дунё меҳнаткашларининг таянчи ва умиди бўлган ўз социалистик Ватанини душмандан қаттиқ туриб сақлабгина қолмади, балки, шунингдек оккупация қилинган мамлакатларнинг халқларига босқинчилардан халос бўлишда ёрдам беришга, гитлерчи жаллодлар ҳукмронлигидан қутулиш учун герман халқининг ўзига мадад кўрсатишга ҳам интилди.

Совет Иттифоқининг фашистлар блокидаги мамлакатларга қарши урушга кириши иккинчи жаҳон урушини халқларнинг нацистлар зулмига қарши озодлик урушига айлантиришда ҳал қилувчи омил бўлди. СССР антифашист коалициянинг етакчи кучи бўлиб қолди, социал иқтисодий тузуми турлича бўлган давлатлар шу коалицияга кирдилар. Бу эса ҳамкорликнинг ёрқин намунаси, тотув яшашнингина эмас, балки умумий душман бўлган фашизмга қарши биргаликда кураш олиб боришнинг ҳам ёрқин намунаси бўлиб хизмат қилади. Совет халқи ана шу ҳамкорликни ва ёрдамни юксак даражада қадрлайди.

Бизнинг халқимиз бу урушда узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтди. Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан уруши эндиликда, гарчи, тарихнинг мулки бўлиб қолган бўлса ҳам, совет кишилари уни ҳеч қачон унутмайдилар. Бу уруш ҳалдан ташқари оғир бўлди ва жуда кўп қон тўкилди. 1941-1945 йилларгаги улуғ жангларда қатнашган ҳозирги миллион-миллион барҳаёт кишилар ҳам оламдан ўтиб кетадилар, лекин уларнинг болалари, невералари ва эваралари мамлакатимизда ва бутун инсониятни қул бўлиши хавфидан сақлаб қолган, герман фашизмини тор-мор келтирган ва Совет Иттифокининг коммунизм сари тинч йўл билан янада олга боришини таъминлаган жангчиларнинг қаҳрамонона жасоратлари тўғрисида оғиздан-оғизга ҳикоя қилиб юрадилар. Улуғ Ватан уруши ва фашизм устидан қозонган жаҳоншумул-тарихий ғалабамиз — шонли ўтмишгина бўлиб қолмай, балки, шу билан бирга шунлай улуғвор ғалабадирки, унинг оқибатлари жаҳон тарихининг бутун боришига ва узоқ вақтгача таъсир кўрсатаверади.

Ғалаба бизга катта қурбонлар эвазига келди. Ўз ҳаётини адолатли иш учун курашга берган Ватанимизнинг шажаати ўғиллари ва кизларининг ўлмас мардликларини бугун биз зўр ҳаяжон билан эсга оламиз ва уларнинг порлок хотираси олдида жанговар байроқларимизни эгамиз.

Ҳа, 1941 йил июнида халқимизнинг бошига оғир синовлар тушди. Душманнинг хиёнаткорона равишда тўсатдан ҳужум қилиши мамлакатимизни ва армиямизни ниҳоятда ноқулай шароитга солиб қўйди. Бизнинг жангчиларимиз юраклари аламга тўлган ҳолда чекинишга ҳамда шаҳар ва қишлоқларни душманга колдириб кетишга мажбур бўлдилар.

Аммо армиямиз учун шундай ноқулай вазият вужудга келганлигига қарамай, Совет Армиясининг қудратли қаршилик кўрсатиш кучини немис фашист босқинчилар дарҳол сезди. СССРга қарши олиб борилаётган уруш улар Ғарбий Европада олиб борган урушдан тубдан равишда фарқ қилишига немис фашист босқинчилар тезда қаноат ҳосил эта бошлади. Немис генералларининг ўзи тан олиб ҳали ҳеч қаерда совет-герман фронтида бўлганидек кучли қаршиликка дуч келмаган эдик, дели

Ватанимиз учун хатарли бўлган ўша даврда Коммунистик партия кийинчиликлар олдида букилмади, аёвсиз ва маккор душманнинг зарбига қаттиқ бардош берди. Коммунистик партия бутун совет халкини жипслаштирди ва муқаддас Ватан урушига бошлаб борди, мамлакатнинг иқтисодий, маънавий ва ҳарбий имкониятларини қисқа вақт ичида сафарбар эта билди. Граждаслар уруши йилларида бўлганидек, Коммунистик партия ўзининг энг ахши кучларини энг қийин ва масъулиятли участкаларга юборди. Партия Марказий Комитети аъзоларининг ва Марказий Комитет аъзолигига кандидатларнинг деярли учдан бир қисми фронтларда эди. Улар армиянинг ўюшқоқлигини мустаҳкамлаш ва унинг жанговар руҳини кўтаришда катта роль ўйнадилар. Коммунистлар оташин сўзлари билангина эмас, шунингдек, шахсий намуналари билан ҳам жангчилар қалбида мардлик ва жасурлик уйғотиб турдилар.

Совет-герман фронтида қуролли курашнинг бориши дастлабки ойлардаёқ фашистлар қўмондонлиги ўйлаганча ва хоҳлаганча бўлиб чиқмади. Қуролли курашни авж олдирганимиз ва янги-янги кучларимизни жангга киргизганимиз сайин Совет Армиясининг қаршилик кўрсатиши узлуксиз ортиб бораётганлигини душман ҳис кила бошлади.

Совет қўшинларининг Смоленск районларидаги, Ленинград томонидаги, Киев ва Одесса бўсағасидаги шиддатли жанглари, Украина ўнг қирғоғида ўтказилган операциялардаги ва совет-герман фронтининг бошқа участкаларида ўтказилган операцияларидаги шиддатли жанглари немис фашистлар қўмондонлигини ўзининг дастлабки планларига муҳим тузатишлар киритишга мажбур қилди. Гарчи катта-катта қурбонлар бериш эвазига гитлерчилар сентябрнинг охирига бориб анча муваффақиятларга эришган бўлса ҳам, Совет Армиясининг қаршилигини синдира олмади. Натижада, уларнинг яшин тезлигида уруш олиб бориш плани ўша вақтдаёқ чок-чокидан дарз кетди.

Москванинг таслим бўлиши билан уруш тезда тугалланади, деган мўлжал билан душман ўзининг 1941 йилги операция планларида Москвани босиб олишга асосий эътиборни каратган эди.

Гитлерчилар армияси Москвага ҳужумни ўз кучлари, айниқса танклари ғоят устун бўлган бир вазиятда олиб борди ва қўшинларимизнинг мудофаасини чуқур ёриб кирди. Москва устида пайдо бўлган даҳшатли хавф партиядан, халқдан ва қўшинлардан ғоят бардошли бўлишни, руҳий бардамлик билан туришни ҳамма кучларини сафарбар этишни талаб қилди. Ватан учун масъулиятли бўлган ана шу пайтда партия ҳамма кучларни Москвани ҳимоя қилишга киска вакт ичида сафарбар эта билгани туфайлигина душманнинг ҳужумини даф этишга ва тўхтатиб қўйишга муваффак бўлинди. Совет қўшинларининг Тихвин ёнидаги қарши ҳужуми, Ростов-Дон остонасидаги қарши зарбаси Совет Армияси Москва остоналарида кўлга киритган ғалабага ажойиб дебоча бўлди. Москва остоналарида кўлга киритилган ғалаба гитлерчиларнинг иккинчи жаҳон урушидаги энг катта мағлубияти бўлди.

Немис фашистларнинг СССРга карши «яшин тезлигида» уруш олиб бориш плани барбод қилинди.

Совет Армиясининг фашист қўшинларга нисбатан жуда зўр маънавий-сиёсий устунлиги ана шу жангда кўрашнинг натижасини белгилаган ҳал қилувчи куч бўлди.

Немис фашист қўшинларининг Москва остоналарида тор-мор келтирилиши иккинчи жаҳон урушининг ва Улуғ Ватан урушининг энг йирик ҳарбий воқеаси ҳамда Совет Армиясининг ажойиб ғалабаларидан бири бўлиб тарихга кирди. Ўзининг сохта «енгилмаслиги» билан мақталган немис фашистлар армияси бу жангда биринчи қақшатқич мағлубиятга учради, ана шу мағлубият урушнинг бундан кейинги боришига таъсир кўрсатди.

Совет Армиясининг Москва остоналаридаги тарихий ғалабаси жуда катта халқаро аҳамиятга эга бўлди. Совет Иттифокининг халқаро обрў-эътибори мустаҳкамланиб тагин ҳам ошиб кетди Асоратга солинган Европа халқлари Совет Иттифоки тимсолида гитлерчиларни янчиб ташлашга ва бу халкларни фашист қуллиги асоратидан озод килишга кодир бўлган реал кучни кўрдилар. Совет Армиясининг ана шу ғалабаси Европа халкларининг каршилик кўрсатиш кучларини ва миллий-озодлик курашини авж олдириб юборишу учун қудратли омил бўлди.

1941-42 йилнинг қишига келиб Совет Армияси ўз сафларини жипслаштириб ва анча бақувват бўлиб олди, лекин у, душман устидан узил-кесил ғалаба қозониш ҳамда душманни Совет Иттифоки чегараларидан қувиб чикариш учун ҳали етарли кучларга ва тажрибага эга эмас эди. Совет қўмондонлиги тайёрланган резерварни кишки ҳужум давомида сарфлаб янги ҳужум операцияларига куч тўплаш учун тиним олишга мажбур бўлди.

Немис - фашист қўмондонлиги ҳам Москва остоналаридаги мағлубияти учун қасос олишга интилиб, 1942 йилги ҳал килувчи жангларга ҳозирлик кўрди. Англия ва АҚШ ҳукмрон доираларининг Европада иккинчи фронт очишни кечга суриб юборганликлари фашистлар Германиясига катта кучлар тўплаш ва 1942 йил ёзида мамлакатимиз жанубида йирик ҳужум уюштириш имконини берди. Ана шу ҳужум олти ойдан ортик давом этган улуғвор Сталинград жангига олиб келди.

Сталинград ёнидаги жангда муҳим стратегик вазифалар ҳал қилинди. Ҳужум қилиб келаётган душманни тўхтатиб қўйиш, уни ҳолдан кетказиш ҳамда карши ҳужумга ўтиб, душманни қақшатқич мағлубиятга учратиш керак эди. Доннинг бепоён чўлларида ва Волга қирғоқларида авж олиб кетган жангда совет кишиларининг ғоят юксак ватанпарварлиги намоён бўлди. Кураш кечасию кундузи тинмади. Ана шу шиддатли жангларда душман ҳолдан кетказилди ва янчиб ташланди.

Совет қўшинларининг Сталинград ёнидаги ғалабаси иккинчи жаҳон урушидаги кескин бурилишнинг бошланиши бўлди. Бу ғалаба совет қўшинларининг катта стратегик ҳужум бошлаши учун, фашист боскинчиларни Ватанимиз территориясидан ёппасига кувиб чиқариш учун шарт-шароитлар вужудга келтирди.

«Сталинград» деган сўзнинг ўзи гитлерчилар Германияси учун чуқур мотам бўлса, Европанинг асоратга тушган барча халқлари учун «Сталинград» сўзи катта умид, шоду-хуррамлик бахш этди, жаллодлар чангалидан қутулиш учун фашизмга карши огир курашда уларнинг кучларини мустаҳкамлади.

1943 йил ёзида гитлерчилар қўмондонлиги стратегия соҳасида бой бериб қўйган ташаббусини Курск районида яна қайтариб олишга уриниб кўрди. Бироқ бу уриниш ҳам барбод бўлди. Курск ёнидаги жангда немис фашистлар армияси шундай оғир мағлубиятга учрадики, бу мағлубият фашистлар Германиясини таг-тубидан ларзага келтирди. Гитлерчиларнинг «Сиз бизларни қишда чаналар билан бостирсангиз, биз сизларни ёзда танклар билан бостирамиз» деб мақтаниб айтган сўзлари чиппакка чиқди.

Курск жанги курашнинг аёвсизлиги ва каттиқлиги жиҳатидан тенги йўқ жанг бўлди. Бу кураш давомида авж олиб кетган жуда кучли танк жанглари унда қатнашган танкларнинг сони жиҳатидан ҳам, ҳар иккала томон берган талафотлар жиҳатидан ҳам мисли йўк жанглар бўлди. Ошкора айтиш керакки, ана шу даҳшатли кураш вақтида гитлерчилар армиясининг асосий кучлари мажақлаб ташланди ва фашистлар Германияси муваффақият қозонишидан умидини узил-кесил узиб, урушда мағлубиятга учрашини кўз олдида яккол кўрди.

Бизнинг Курск ёнидаги ғалабамиз Совет қўшинларининг энг йирик стратегик ҳужумининг бошланиши бўлди, бу ҳужум аслини олганда, фашистлар Германияси таслим бўлгунга қадар тўхтамади. Курск ёнидаги ғалаба 1943 йилнинг иккинчи ярмидаёк ва хусусан 1944 ҳамда 1945 йилларда бир канча йирик ҳужум операцияларини ўтказиш учун қулай шарт-шароитлар яратиб берди.

Белоруссия, Львов—Сандомер, Ясси—Кишинев, Будапешт, Шарқий Пруссия, Висла — Одер, Вена, Берлин, Прага операциялари каби жуда йирик операциялар ҳам узил-кесил ғалаба йўлидаги ажойиб босқичлар бўлди. Совет қўмондонлиги моҳирлик билан амалга оширган ана шу ва бошқа энг муҳим операциялар СССРнинг ҳарбий-иқтисодий кучи ошиб кетганлигидан, шунингдек совет ҳарбий санъатининг юксак савиясидан далолат берди. Жуда кенг совет-герман фронтининг турли томонларида ўтказилган ва изчилик билан зарба бериш характерига эга бўлган бир канча операциялар душман сафларини пароканда қилди, душманнинг ҳушини ёғиб олишига йўл бермади ҳеч резерварни бир томондан олиб иккинчи томонга ташлашига ҳамда совет қўшинларининг кучли ҳамласини даф этиш учун бефойда урениб, вактни ва кучларни йўқотишга мажбур қилди.

Улуғ Ватан урушининг якунловчи давридаги ҳужум операцияларида Совет Армиясининг юксак жанговарлик ҳислатлари намоён бўлди. Совет Армияси ўзининг етуклиги ошганлигини, мураккаб операциялар ўтказишга ва бу операцияларда самарали натижаларни кўлга киритишга кобилиятли эканини кўрсатди. Совет Армиясининг 1944 йилдаги ғалабалари Совет Иттифокининг бутун территориясини немис-фашист оккупантлардан озод килишга олиб келди. Гитлерчи боскинчилар Руминиядан, Болгариядан, Финляндиядан, Польшанинг талайгина кисмидан Венгриянинг катта кисмидан кувиб чикарилди. Бизнинг кўшинларимиз Чехословакия территориясига кадам кўйди Совет Армияси билан биргаликда поляк ва чехословак кўшинлари урушнинг охирги боскичида эса Болгария ва Руминия кўшинлари ҳам жанг килди. Совет Армияси Югославиянинг халк-озодлик армияси билан биргаликда ҳаракат килиб, бу мамлакатнинг шарқий районларини немис-фашист боскинчиларидан тозалади. Совет Қуролли Кучлари эришган ғалабаларнинг бевосита таъсири остида Албания ва Грециянинг халк армиялари душманга зарба бериш имкониятига эга бўлдилар ва умумий ҳужум остида оккупантлар ана шу давлатлардан кочиб кетишга мажбур бўлди. Уруш ҳаракатлари Германиянинг чегаралари якинига ва унинг ўз территориясига кўчирилди. Болтик денгизидан Драва дарёсига кадар чўзилган фронт бўйлаб 1945 йил кишида ўтказилган операциялар натижасида эса Совет Армияси Польшани, Венгрияни, Австрия ва Чехословакиянинг талайгина кисмини батамом озод килди ҳамда Одер ва Нейсе дарёларига кириб борди.

Герман фашизмининг ҳалокати тўхтатиб бўлмайдиган йўсинда якинлашаверди. Берлин остонасида ва Берлиннинг ўзида авж олиб кетган уруш ҳаракатлари иккинчи жаҳон урушининг энг катта жангига айланиб кетди. Бу уруш ҳаракатлари немис-фашистлар армиясини тор-мор келтиришнинг стратегик жиҳатдан тугалланиши бўлди, Берлин операцияси жараёнида душманнинг қарийб бир миллионли энг йирик кўшинлари янчиб ташланди. Фашистлар Германияси уюшқоқлик билан каршилик кўрсатишни давом эттира олмайдиган ҳолга тушиб колди ва сўзсиз таслим бўлди.

* * *

Совет Иттифокининг фашистлар Германиясига ва унинг иттифоқчиларига карши олиб борган Улуғ Ватан уруши иккинчи жаҳон урушининг асосий ва ҳал қилувчи кисми бўлди. Бу уруш совет халқи ва унинг Қуролли Кучларининг тўла ғалабаси билан тугалланди. Миллион-миллион совет кишилари гитлерчи оккупантларга карши курашда ўз жонларини фидо килдилар. Ватан уруши фронтларида халок бўлган совет жангчиларининг хотираси асрлар бўйи яшайди.

Совет халки иккинчи жаҳон урушининг асосий огирлигини ўз елкасида кўтариб чикди. Совет Иттифоқи Улуғ Ватан урушининг дастлабки ойлариданок уруш муддатини кискартиришга ва урушда берилаётган курбонлар сонини камайтиришга интилди иккинчи фронт очилиши учун астойдил кураш олиб борди, лекин АҚШ ва Англиянинг ҳукмрон доиралари ҳам Совет Иттифокини, ҳам Германияни максимал даражада заифлантириш мақсадини кўзлаб ,(ўша пайтда Г. Трумэн сурбетларча шундай деган эди) Ғарбий Европада уруш ҳаракатларини авж олдиришни пайсалга солиб келдилар. Улар уруш ҳаракатларини иккинчи даражали жойларда авж олдирдилар. Совет Иттифоқи уларнинг ёрдамисиз ҳам фашистлар Германиясини мажақлаб ташлаши иттифоқчиларга равшан бўлиб колганидан кейингина улар Европада иккинчи фронт очишга ошиқдилар ва ўз кўшинларини Нормандияга туширидилар. Бу фактдир, фактлардан ҳеч қаёққа кочиб, кутулиб бўлмайди. Шундай қилиб, фашистлар Германиясини ва унинг иттифоқчиларини тор-мор келтиришда ҳал қилувчи ролни СССР ўйнади. Совет Иттифоқи бўлмаганида герман фашизми йўқотилмаган бўлур эди, деб очиқ айтиш мумкин.

Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари ғалабаси билан тугалланган Улуғ Ватан уруши Совет Иттифоки куч-қудрати ва яшовчанлик қобилияти, социалистик ижтимоий ва давлат тузумининг куч-қудрати ва ҳаётий кобилияти учун ҳар тарафлама синов бўлди.

Совет халки энг оғир синовлардан шунинг учун ҳам ғолиб бўлиб чиқдики, у, адолатли иш учун, социалистик Ватан учун, порлоқ коммунистик келажак учун курашди, чунки уни бу курашда Коммунистик партия олга бошлаб борди.

Совет халки ва унинг Қуролли Кучлари эришган оламшумул-тарихий ғалаба жаҳон халқларини қул бўлиш хавфидан халос этди, жаҳон цивилизациясини фашист киргинчиларидан кутқариб колди.

Мамлакатимиз урушдан кейинги даврда катта ва шонли йўлни босиб ўтди. Совет кишилари алдақачонлар окопларинг мингминг километрли линияларини текислаб ва ҳайдаб юбордилар, бомбалар ва снарядлардан ҳосил бўлган чуқурларни кўмиб ташладилар, йўллар ва кўпирларни тузатдилар, минглаб корхоналарни тиклаб олдилар ҳамда вайрон бўлган шаҳарлар ва қишлоқларни ҳаробалардан қад кўтартирдилар. Бизнинг мамлакатимиз коммунизм қуриш йўлидан муваффақият билан олга бормоқда.

Демократик кучларнинг иккинчи жаҳон урушида ғалаба қозонганлиги натижасида халқаро вазиятда рўй берган тубли ўзгаришлар тинчлик, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт ишини янги, тагин ҳам мустаҳкам негизга қўймоқда. Бироқ, урушдан кейинги ривожланиш тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, иккинчи жаҳон урушининг бошланиб кетишига сабабчи бўлган капиталистик мамлакатларнинг реакцион гуруҳлари инсониятга душманлик планларидан воз кечганлари ва қуролларини қўлдан қўйганлари йўқ. Социализмга ошадий синфий душман бўлган бу реакцион гуруҳлар инсониятни иккинчи жаҳон урушига олиб келган ўша сиёсатни ўтказишга уринмоқдалар. Ҳозирги замон шароитида ракета-ядро уруши инсониятнинг бошига ўтган урушдагига қараганда таккослаб бўлмас даражада катта кулфатлар келтириш таҳдидини солади. Агар агрессорларнинг пайи ўз вақтида қирқилмаса, улар бошлайдиган келгуси уруш юз миллионлаб кишиларнинг ҳалок бўлишига олиб келади, кўп авлодларнинг меҳнати билан яратилган жаҳон цивилизациясининг асосий марказларини вайроналарга айлантириб юборади.

Жаҳонга ҳукмрон бўлишни даъво қилаётган Америка империалистлари реакция ва агрессиянинг асосий кучи бўлиб майдонга чиқмоқдалар. Улар ўз иттифоқчилари билан бирга урушнинг жуда катта аппаратини, НАТО, СЕАТО, СЕНТО сингари агрессив блокларнинг тармоқ ёйган системасини ҳамда СССР ва бошқа социалистик давлатларнинг атрофида ҳарбий базалар системасини вужудга келтирдилар, ядро-ракета қуроли запасларини жамғармоқдалар, Жазоирда, Конгода, Лаосда ва Кубада халқаро кескинлик ўчоқларини вужудга келтирмоқдалар.

Шу факт ҳам ҳавотирлик туғдирмаслиги мумкин эмаски, Американинг урушқоқ генераллари янги ҳарбий доктриналарни амалга оширишни зўр бериб талаб қилмоқдалар. «Абсолют қурол» ва «кўрқитиш стратегияси» тўғрисида улар олдинга сураётган фикрлар, улар тарғиб қилаётган «ёппасига қасос олиш» доктринаси, «қалқон ва қилич» принциплари, «эпчиллик билан жавоб зарбаси бериш» ёки «чекланган» ва «маҳаллий» урушлар стратегияси — мана шуларнинг ҳаммаси янги уруш бошлаш тўғрисидаги бемаъни қора ниятларнинг агрессив моҳиятини сохта назариялар билан асослашнинг ташқи формаларидирки, бу уруш, аввало, СССРга ва социалистик лагердаги бошқа мамлакатларга карши тайёрланмоқда.

Уруш тамом бўлганидан кейин орадан 16 йил ўтган бўлса ҳам, Германия билан шу дамгача сулҳ шартномаси имзоланмаганлиги учун Ғарб давлатлари жавобгардирлар. Германия Демократик Республикаси сулҳ шартномаси тузишга даъват этаётган бир вақтда, Ғарбий Германиядаги реваншчилар бунга йўл қўймаслик учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Лекин сулҳ шартномаси имзоланиши керак ва имзоланади,— унинг бутун оқибатлари рўёбга чиқиши лозим.

АҚШ, Англия ва Франциянинг ёрдами билан биринчи жаҳон урушидан кейин тикланиб олган Ғарбий Германия милитаризми ўша мамлакатлардаги гуруҳларнинг ёрдами билан янгидан қадини ростлаб олди ва жаҳонга катта хавф бўлиб турибди. Ҳозирнинг ўзидаёқ Ғарбий Германия капиталистик Европада энг қудратли экономикага эга бўлиб турибди, эндиликда ҳатто АҚШнинг ўзи ҳам бошланиб келаётган инфляциядан қутулиб қолмоқ учун Германия Федератив Республикасидан молия ёрдами сўрашга мажбур бўлди. Ғарбий Германия атом қуролига эга бўлмоқ учун ҳамма чораларни кўрмоқда. Германия Федератив Республикаси раҳбар арбоблари яна реванша, Германиянинг шарқий чегараларини қайтадан кўриб чиқишга, Германия Демократик Республикасини босиб олишга, Польша, Чехословакия ва бошқа социалистик давлатларга қарши агрессив ҳаракатлар қилишга даъват этмоқдалар,

АҚШ, Англия ва Франциянинг ҳукмрон доиралари тарих сабоқлари билан ҳисоблашишни истамаётирлар. Германия милитаризми ва реваншизмининг тикланиши натижасида вужудга келаётган хавф-хатарни кўрмаслик учун ғирт кўр бўлиш керак. Фашистлар Германиясининг урушиб жаҳонга ҳукмрон бўлиш соҳасида ўз олдига қўйган мақсадлари ҳозир Ғарбий Германияда ўзгарди деб ким исботлай олади?

Совет кишилари Ғарбий герман милитаризмининг тикланиши натижасида туғилаётган хавфни жуда яхши биладилар. Лекин йиртқич фашистларга ўлим зарбасини берган совет кишилари янги пайдо бўлган реваншчиларнинг ва жаҳонга ҳукмрон бўлишга даъво қилаётган бошқа шулар кабиларнинг бўкириб наъра тортишларидан қўрқмайдилар. Биз ўз Ватанимизни ҳар қандай агрессорнинг ҳамлаларидан ҳимоя қила олямиз, бизнинг ҳимоя киладиган воситаларимиз бор ва биз янги ядро уруши бошлайдиган ҳар қандай телбани жиловлаб қўйишга қодирмиз.

Империалистик мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари шундай бир реал фактни эътироф қилишни истамаётирларки, ҳозирги замонда империализмнинг ҳарбий авантюралари империалистларнинг ўз бошларини ейди. Улар кучларнинг қандайдир янги комбинацияси натижасида урушнинг натижаси ҳам янгича бўлиши мумкин деб ўйлайдилар. Шунинг учун ҳам улар Ғарбий Германияни шу қадар шошилиб қуроллантирмоқдалар, ваҳоланки, Совет Иттифоқи ўз Қуролли Кучларини нэчиллик билан камайтирмоқда ҳамда ёппасига ва батамом қуролсизланишнинг ташаббусчиси бўлиб майдонга чиқмоқда.

Қуролсизланиш эндиликда меҳнаткашларнинг жанговар талаби, етилган тарихий зарурат бўлиб қолди. Совет Иттифоқи, халқ демократияси мамлакатлари ва бутун дунёнинг прогрессив кучлари қуролсизланиш учун курашмоқдалар ва бундан буён ҳам кураша берадилар.

Қуролсизланиш программасини амалга ошириш осон иш эмас. Бу программани амалга ошириш империалистларнинг ва, аввало, Америка Қўшма Штатлари империалистларининг қаттиқ қаршилигига дуч келмоқда. Американинг янги ҳукумати қозирча эски сиёсатни давом эттирмоқда. Никита Сергеевич Хрушчевнинг Венада АҚШ президенти Ж. Кеннеди билан бўлган учрашуви Совет Иттифоқи тинчлик ва батамом қуролсизланиш ишини изчилик ва сабот билан ҳимоя қилаётганлигини, у ҳеч кимнинг зўравонлик позициясида туриб ўзи билан гаплашувига йўл қўймаслигини бутун дунёга кўрсатди.

* * *

Совет Иттифоқи — тинчликсевар давлат. Бизнинг халқимиз ҳамма халқлар билан тинчликда яшашни истайди. Бизнинг бошқача интилишларимиз, бошқача планларимиз, бошқача сиёсатимиз йўқ ва бўлиши мумкин эмас.

Совет Иттифоқи билан бирга жаҳоннинг бошқа халқлари ҳам тинчлик учун курашмоқдалар. Тинчлик кучлари кундан-кунга ўсмоқда, шунинг учун ҳам Ғарбдаги империалистик доираларнинг агрессив сиёсати гобора қудратли зарбага учрамоқда. Бундан йигирма йил муқаддам халқлар уруш ёнғинининг бошланиб кетишини тўхтатишга қодир бўлмаган эканлар, эндиликда тақдирга ёзиб қўйилган муқаррар уруш йўқ. Жаҳон социалистик лагерининг бирлашган куч ва ғайрати бунинг гаровидир.

Эндиликда Совет давлатининг қудрати беиҳоя ўсиб кетди, бунга ҳатто социализмнинг энг ашаддий душманлари ҳам эътироф қилишга мажбур бўлдилар. Бизнинг мамлакатимиз фан ва техника тараққиётининг олдинги сафида бормоқда. Совет олимлари, инженерлари ва ишчилари Ернинг жаҳонда биринчи сунъий йўлдошини учирдилар, биринчи бўлиб Қуёш атрофига, Ойга, Венерага ракеталар юбордилар. 1961 йил 12 апрель куни инсоният тарихида унутилмас шонли кун бўлиб қолди. Шу куни совет кишиси майор Юрий Гагарин биринчи бўлиб космоса чикди. Мана шунинг ўзи социализмнинг енгилмас ҳаётий кучини, халқимизнинг, давлатимизнинг қудратини кўрсатувчи ёрқин ва аққол далил эмасми!

Ғалабалар шуҳрати билан донги чиққан, фақат замонавий қурол билангина қуролланиб қолмасдан, шу билан бирга энг қиймати қурол—уруш тажрибаси билан ҳам қуролланган шавкатли Қуролли Кучларимиз совет халқининг тинч турмушини қўриқлаб турибди. Кейинги йилларда ҳарбий ишни ривожлантиришда тубли ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгаришлар ракета-ядро қуролининг пайдо бўлиши ва барқ уриб ривожланиши натижасида вужудга келди. Ҳарбий фаннинг энг янги қоидалари билан қуролланган совет жангчилари уруш олиб боришнинг замонавий усулларини эгаллашни давом эттирмоқдалар.

Империалистларнинг агрессив ниятларини ҳисобга олиб, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Совет Қуролли Кучларини мустаҳкамламоқ, Ватанимизнинг мудофаа қудратини лозим бўлган даражада сақлаб турмоқ учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилмоқдалар, армиянинг халқ билан узилмас

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ АБАДИЙ БАРҲАЁТ ҚАҲРАМОНЛИГИ

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар! Фашистлар Германияси уруш эълон қилмай Совет Иттифоқига хиёнаткорона ҳужум қилиб, совет кишиларининг тинч меҳнатини ғўҳатиб қўйган ва бизнинг бошимизга оғир, қирғин урушини солган кундан бери орадан йигирма йил ўтди.

Бутун совет халқи ўзининг улуғ Ватанини ҳимоя қилиш, социализм ғалабаларини ҳимоя қилиш учун қўзғалди. Гитлерчилар босқинига қарши муқаддас уруш, халқ уруши бошланди. Ўзининг жонажон Коммунистик партияси теварагида маҳкам жипслашган совет халқининг азамат кучлари, букилмас иродаси, жамики улуғвор қудрати билан шу урушда намоён бўлди.

Мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали ўртоқ Родион Яковлевич Малиновский ўз докладида ва бу ерда сўзга чиққан ўртоқлар совет халқининг, шаҳватли Қуролли Кучларимизнинг Ватан урушидаги ўлмас қаҳрамонликлари тўғрисида жуда яхши гапириб ўтдилар. Иккинчи жаҳон урушининг воқеаларига бизнинг қайта-қайта мурожаат қилаётганлигимизнинг сабаби шуки, урушнинг ўзи ҳам, шу урушдан олдинги давр ҳам халқларнинг жуда ибратли сабоқлар чиқариб олишларига имкон беради.

Гитлер, немис фашистлари ҳокимиятни қўлга олишга интилаётган кунлардаёқ, бизнинг партиямиз ва Совет ҳукумати фашизмнинг босқинчилик характерини қатъий равишда фош қилиб ташлаган эдилар, фашизм таҳдид солаётган хавф тўғрисида халқларни огоҳлантириб турдилар. Совет Иттифоқи фашизмни жиловлашга, унинг янги жаҳон урушини бошлашига йўл қўймасликка ҳормай даъват қилиб келган бирдан-бир давлат бўлди. Миллатлар Иттифоқида, урушга қарши конгрессларда совет вакиллари фашизмга зарба беришга, яқинлашиб келаётган ҳарбий ҳалокатга қарши курашмоқ учун жипслашишга баланд овоз билан зўр бериб ва кўп марталаб даъват қилдилар. Совет ҳукумати халқларнинг хавфсизлигини таъминламоқ учун конкрет чоралар таклиф қилди. У, ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги таклифни Миллатлар Иттифоқига киритди, коллектив хавфсизлик системасини таклиф қилди. Бу система қабул қилинган тақдирда, фашист агрессорларнинг қўлини боғлаб қўйган бўлур эди.

Жаҳонда бевосита уруш хавфи пайдо бўлиб қолганида Совет ҳукумати Францияга мурожаат қилиб, гитлерчилар Германиясига қарши Чехословакияни биргаликда ҳимоя қилишни таклиф этди. Биз Польша ва Руминиянинг буржуа ҳукуматлари бизнинг қўшинларимизни Чехословакияга ёрдам кўрсатмоқ учун ўз территориялари орқали ўтказишлари тўғрисида битимга келишга ҳам уриниб кўрдик.

Лекин социалистик мамлакатга ашаддий душманлиги сабабли ҳеч нарсани кўрмайдиган бўлиб қолган, жаҳон революцион ҳаракатидан қўрқаётган буржуа давлатларнинг ҳукмрон доиралари Совет ҳукуматининг таклифларидан биронтасини ҳам қабул қилмадилар. Ваҳоланки, бу таклифларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳаммага аён эди.

Иккинчи жаҳон урушига қадар бўлган бутун тарих Ғарб демократиялари деб аталган демократия сиёсатидаги шармандали бобдир. Англия, Франция, Польша ва бошқа давлатларнинг ҳукмрон доиралари ўз халқларининг миллий манфаатларига хиёнат қилишдан қайтмадилар. 1938 йилдаги шармандали Мюнхен келишуви инсонят хотирасидан асло чиқмайди. Ўша вақтда Англия ва Франциянинг ҳукмронлари Чехословакия Республикасини фашист босқинчиларнинг оёғи остига ташладилар. Мана шу хоинлик сиёсати натижасида халқларнинг миллион-миллион ўғиллари ва қизлари қурбон бўлди, халқлар бошига даҳшатли кулфатлар тушди.

Англия ва Франция 1939 йилнинг ёзида ўзларининг ҳарбий миссияларини Москвага қай тахлитда юборганликларини эслаб кўринг. Ўша вақтда Совет ҳукумати, агар Германия Европада уруш бошлайдиган бўлса, уч давлатнинг қуролли кучлари биргалашиб ҳаракат қилиши тўғрисида мутлақо конкрет планларни таклиф қилди. Ўша вақтда агрессорни жиловлаб қолиш вақти ҳали ўтмаган эди. Ўша вақтда Англия ва Франциянинг ҳукмрон доиралари агрессорга зарба бериш истаги ва иродаси бўлганида эди ва улар буни кўрсатганларида эди. Гитлер урушни бошламасдан олдин кўп марталаб ўйлаб кўрган бўлур эди. Тарих ҳам бутунлай бошқа йўлда давом этиши мумкин эди. Жаҳон уруши бўлмасдан қолиши ҳам мумкин эди. Инсоният шу қадар кўп қурбонлар ва талафотлар бермаган бўлур эди.

Ўша вақтда Совет ҳукумати империалистик доираларнинг макқорлигини пайқаб олди, улар агрессорга йўл бериб қўйиб, гитлерчилар ҳарбий машинасининг кучи билан Совет Иттифоқини емирмоқчи бўлдилар. Ғарб давлатлари Гитлер билан ўйнашишдан иборат бўлган ўз сиёсатларини ўтказишдан бир мақсади, яъни герман агрессиясининг тиғини Совет Иттифоқига қарши буриб юбориш мақсадини кўзлаётганликларини тушунган эдик. Германия фашизми жаҳон реакциясининг зарбдор мушти бўлиб майдонга чиқаётганлиги бизга равшан эди, жаҳон реакцияси халқаро революцион ҳаракатнинг таянчи бўлган бизнинг мамлакатимизни емириб ташлаш ниятида эди.

Ғарб давлатларининг ниятлари узоққа мўлжалланган ният эди — улар Совет Иттифоқини емириб ташламоқчи бўлдилар ва айни вақтда Германияни ҳам кучсизлантириб, шу тариқа ўзлари жаҳонда чексиз ҳукмрон бўлиб олишни ва ҳаммага ўз шартларини қабул қилдиришни умид қилдилар. Илгари сенатор бўлиб, кейин эса Америка Қўшма Штатларининг президенти бўлиб олган Гарри Трумэн бу ниятни жуда сурбетлик билан ифодалаб берди. У бундай деган эди: «Агар биз Германиянинг ютиб чиқаётганлигини кўрсак, у ҳолда Россияга ёрдам беришимиз керак, агар Россия ютиб чиқадиган бўлса, у ҳолда Германияга ёрдам беришимиз керак. Шу тариқа улар бир-бирларини мумкин қадар кўпроқ ўлдира беришсин».

Ғарб давлатлари мана шундай сиёсатни ўтказиб келдиларки, бу сиёсатнинг моҳиятини Трумэн ана шундай очиқ баён қилиб берди. Ғарбдаги агрессив империалистик доиралар ҳозир ҳам шу идеяларидан воз кечганлари йўқ. Улар Совет Иттифоқига қарши юбориш мумкин бўлган кучни топа олганларида эди, ҳозир ҳам бу идеяни яна бир марта синаб кўришдан қайтмас эдилар.

Лекин ҳозир бундай куч йўқ. Совет Иттифоқининг ва бутун социалистик лагернинг қудрати шу қадар ўсиб кетдики, Ғарб давлатлари социалистик мамлакатлар халқларининг ғалабаларини тўғатишга ақлсизларча урониб, ўзларининг ҳамма кучларини сафарбар қилганлари тақдирда ҳам тамомила мағлубиятга учраган бўлур эдилар.

Эндиликда, ҳатто империалистик давлатларнинг вакиллари жаҳонда Ғарб давлатлари билан социалистик мамлакатлар ўртасидаги кучлар нисбати бараварлашиб қолди, деб айтмоқдалар. Шуни тушунишнинг ўзи ҳам улар учун олга силжишдир. Лекин вазиятни шу тахлитда тушунаётганлар ҳам ўзларининг вужудга келган нисбатидан келиб чиқадиган сиёсатни, яъни тинчлик ва тинч-тотув яшаш сиёсатини амалда ўтказганларида эди, мана шунинг ўзи тағин ҳам кўпроқ олга силжиш бўлур эди.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида Ғарб демократияси деб аталган давлатлар икки юзлама сиёсат ўтказа бердилар, шунинг учун ҳам Совет ҳукумати улар фашист мамлакатларга — Германияга ва Италияга қарши ўзларининг куч ва ғайратларини Совет Иттифоқи билан бирлаштиришни истамаётганликларини, гитлерчилар Германиясини бизнинг мамлакатимизга ҳужум қилдиришга интилаётганликларини яхши тушуниб олди. Ана ўшанда Совет ҳукуматининг Гитлер билан музокаралар бошлашдан бошқа иложи қолмаган эди, лекин Совет ҳукумати иблиснинг ўзи билан гаплашаётганлигини англаб туриб шундай қилди.

Англия ва Франция ҳукмрон доиралари ўтказаётган хоинлик сиёсатининг ўзи бизни 1939 йилнинг августида Германия билан ҳужум қилмаслик тўғрисида шартнома тузишга мажбур этди. Биз бошқача ҳаракат қила олмадик. Империалистик давлатларнинг бирлашган антисовет фронти вужудга келишига йўл қўймаслигимиз ва халқимизга бир оз тинчликда яшаб, нафасини ростлаб олмоқ имкониятини яратиб беришимиз лозим эди.

Кейинги воқеалар Ғарб давлатлари ҳукуматларининг сиёсати қалтабин сиёсат эканлигини, Совет Иттифоқининг позицияси асосли позиция эканлигини кўрсатди.

Гитлерчилар Германиясининг биринчи зарбаси Ғарб мамлакатларининг устига тушди. Лекин улар шу қадар заиф қаршилик кўрсатдиларки, Гитлер уларни бирма-бир тор-мор келтириб ва ўз кучларининг тинкасини қуритмай, ўзининг асосий мақсадига — Совет Иттифоқига ҳужум қилиш мақсадига қайтди. Совет Иттифоқига қарши бошланган урушда Германия империалистлари фақат босқинчилик мақсадларинигина кўзлаб қолмасдан, шу билан бирга синфий мақсадларини — жаҳонда биринчи социалистик давлатни емириб ташлаш мақсадини ҳам кўзладилар. Улар ўз мақсадларига қисқа муддат ичида ва кам қурбон бериш билан эришмоқчи бўлдилар. Маълум «Барбаросса плани» ҳудди шу тахлитда тузилган эди. Шу планга кўра, фашистлар бизнинг мамлакатимизни 1941 йил кузининг охиригача босиб олмоқчи бўлган эдилар.

Лекин немис милитаристларининг мўлжали бошқа-ю, ҳақиқий аҳвол бошқача бўлиб чиқди. Бизнинг Қуролли Кучларимиз, бутун совет халқи босқинчиларга қаҳрамонларча зарба бердилар, уруш чўзилиб кетди, тарихдаги ҳаммэ урушлар орасида энг қонли уруш бўлди. Бу уруш кўп миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритди, халқларнинг бошига мислсиз кулфатлар солди. Кўп авлодларнинг меҳнати билан вужудга келтирилган жуда катта моддий бойликлар уруш оловида кул бўлиб кетди. Лекин халқлар бу урушда қаттиқ туриб олдилар, фашистлар Германиясини тор-мор келтирдилар. Гитлер ўзини отиб ўлдиришга мажбур бўлди, ўзини ўлдирмаган бошқа фашист жаллодлар эса суд қора курсисига ўтказилдилар.

Бироқ, Хойзингер, Шпейдель, Ферч сингари ҳарбий жиноятчиларнинг қўллари жазоланишдан қутулиб қолдилар. Энди улар ўзлари қилган қора ишлари учун виждон азоби тортиш у ёқда турсин, балки собиқ иттифоқчиларимиздан ўзларининг «хизматларини» эътироф қилдиришга муваффақ бўлдилар ва НАТОда етакчи команда постларини эгаллаб турибдилар. Ўтмишнинг сабоқларидан Ғарб давлатларининг ҳукмрон доиралари ҳеч нарса ўрганмаганликлари кўриниб турибди.

Уруш тамом бўлганидан бери орадан 16 йил ўтди, лекин шу вақтгача Германия билан сулҳ шартномаси тузилгани йўқ. Ақли расо ҳар бир киши шуни биладики, тинчликка интилаётган кишилар сулҳ шартномаси имзолаш билан урушни ғамомлайдилар ва уруш ҳолати мумкин қадар тезроқ тугатилмоғи учун бутун шароитни вужудга келтирадилар. Ғарб давлатлари бу қоидага амал қилмояптилар, сулҳ шартномасини имзолаш билан урушни тамомлашни истамояптилар. Улар Германия билан уруш ҳолатини сақлаб қолишга интилмоқдалар. Нима учун шундай қилаётирлар? Тинчлик учунми? Йўқ, албатта! Сулҳ тузиш сунъий равишда орқага сурилаётган экан, яна бунинг устига, сулҳ шартномаси тузишни таклиф қилаётганларга уруш очамиз деб таҳдид қилинаётган экан, бу ҳолда халқлар бунга жиддий қарашлари лозим. Улар учинчи жаҳон уруши бошлаш ҳаракатида юрганларнинг йўлига ғов солишлари лозим, чунки бу урушда ўн миллионларча эмас, балки юз миллионларча кишилар ҳалок бўлиши мумкин.

Германия билан сулҳ шартномаси тузилмаганлигидан ким манфаатдор, сулҳ шартномаси тузишга қандай кучлар халақит беретир?

Албатта, бунга немис халқи халақит бераётгани йўқ, кейинги ўн йиллар давомида икки марта бўлган жаҳон урушининг даҳшатларини бошидан кечирган Европа халқлари халақит бераётгани йўқ. Реванш олиш ниятида юрган, янги ҳарбий авантюраларнинг планларини тузаётган Ғарбий Германиядаги кучлар сулҳ шартномасини тузишга қаршилик кўрсатмоқдалар. Лекин гап фақат Бонн милитаристларида ва зарбадан омон қолган гитлерчиларда эмаслиги ҳар бир кишига равшандир. Реваншчиларнинг қора ниятларини Ғарб давлатларининг ҳукмрон доиралари рағбатлантирмоқдалар ва қувватламоқдалар.

Гитлеризмга қарши коалиция мамлакатларининг халқлари урушни тамомлаганларидан кейин, ҳар иккала марта жаҳон урушини бошлаган Германия милитаризм ва агрессиянинг яна ҳеч қачон ўчоғи бўлмайди, деб умид қилган ва ишонган эдилар.

Хўш, амалда нима бўлиб чиқди? Эндиликда Ғарбий Германия агрессив НАТО ҳарбий блокининг нуфузли аъзоси бўлиб қолди. Гитлерчи генералар фақат бундесвергагина қўмондонлик қилаётганлари йўқ. НАТО қўшинларида ҳам етакчи мансабларни эгаллаб турибдилар, гитлерчи боскинчиларга қарши жангларда оталари қатнашган ва ҳалок бўлган француз ва инглиз солдатларига қўмондонлик қилмоқдалар. Ғарбий Германия қўшинларининг қисмлари Франция ва Англияда шу мамлакатлар ҳукуматларининг розилиги билан янги ҳарбий юришлар учун ўргатилмоқдалар ва машқ қилдирилмоқдалар. Германия Федератив Республикасининг милитаристлари эндиликда ўз қўлларига ракета қуроли олдилар ва бундесвери атом қуроли билан қуроллантиришни зўр бериб талаб қилмоқдалар. Яқинда биз мана шу масалаларнинг ҳаммаси устида Венада Америка Қўшма Штатларининг президенти жаноб Кеннеди билан батафсил гаплашдик.

Германия билан сулҳ шартномаси тузишни нима учун янада бениҳоя орқага сура бериш мумкин эмаслигини биз унга батафсил тушунтириб бердик. Бу шартнома иккинчи жаҳон урушидан кейин вужудга келган ахволни мустаҳкамлаши лозим. Аслини олганда бизнинг шундан бошқа истагимиз йўқ. Совет ҳукуматининг бу масаладаги позицияси бутун дунёга маълум. АҚШ президентига топширилган ва кейин матбуотда эълон қилинган эсдалик хатида бу позиция батафсил баён қилиб берилди. Яқинда радио ва телевидение орқали сўзлаган нутқимда Германия масаласига батафсил тўхталиб ўтдим ва таклифларимизнинг ҳамма жиҳатларини яна баён қилиб беришнинг зарурати йўқ деб ўйлайман.

Хўш, Ғарбда бизнинг позициямизга қандай қарамоқдалар?

Совет ҳукуматининг таклифлари ҳамма мамлакатларда зўр қизиқиш туғдирди ва бу таклифлар ҳақида кенг фикрлар баён қилинди. Тинчликнинг мустаҳкамланишидан манфаатдор бўлган кишиларнинг ҳаммаси Германия билан сулҳ шартномаси тузиш масаласини ҳал қилиш зарурлигини эътироф қилмоқда, бу масала етилган масала бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга етилиб ўтиб кетганлигини ҳам тушунмоқдалар. Улар Германия масаласини тинч йўл билан ҳал қилишга қаратилган ва бунинг учун яхши негиз бўладиган бизнинг таклифларимизни қувватламоқдалар.

Шу билан бир вақтда шуни айтиб ўтиш керакки, Ғарб давлатларининг ҳукмрон доиралари Германия билан сулҳ шартномаси тузишга ҳозир ҳам қарши чиқмоқдалар ва Германия масаласини куч синаш объектига айлантирмоқчилар.

Совет Иттифоқининг тинчликсеварлик таклифларига жавобан канцлер Аденауэр каби. «қаттиқ туриш керак» деб айтаётган ва ҳатто «зарба бериш керак» деб таҳдид солаётган кимсаларни мен бугун огоҳлантириб ўтишни истар эдим.

Ақл-идрок билан иш қилиш фойдали эканлигини Германия Федератив Республикасининг раҳбарларига неча марталаб эслатиб ўтдик. Наҳотки Сиз жаноблар ўз ўтмишдошларингизнинг шармандали тажрибасини унутиб бу тажрибани такрорламоқчи бўлсангиз? Сизлар бу тажрибани такрорлашга урониб кўришингиз мумкин, албатта. Лекин бундай уриниш сизларнинг умрингиз тугашининг бошланиши бўлади. Ҳозирги замон бундан йигирма йил илгариги замон эмас. Эндиликда фақат герман реваншчиларигина эмас, шу билан бирга бизга қарши янги авантюра қилишда уларни қувватлашга уринадиган кимсаларнинг ҳаммаси ҳам. Гитлернинг қисматига шерик бўлишлари турган гап.

Бу сўзларни дўқ деб ўйламасинлар. Бу сўзлар ақл-идрок билан иш кўришга қилинаётган даъватдир. Ниҳоят шуни тушуниб олиш керакки, эндиликда Совет мамлакати бошқача бўлиб қолди. жаҳон ўзгариб кетди, кучлар ва қурол-яроғларнинг нисбати ҳам бошқача бўлиб қолди.

Шу сабабли Сиз жаноб канцлер ўзингизнинг «қаттиқ туришингиз» билан бизни қўркита олмайсиз. Сиз, агар сизлар Германия Демократик Республикаси билан сулҳ шартномаси тузсангиз, биз ҳеч нарсадан қайтмаймиз, деган гапларни айтяпсиз. Мана шунинг ўзи сизларнинг позициянгизнинг заифлигидан далолат беради, холос.

Биз урушни истамаймиз, буни ҳамма билади. Лекин сизлар бизга қарши уруш қиламиз деб ҳақиқатан таҳдид соладиган бўлсангиз, биз бу таҳдидлардан қўрқмаймиз. Агар сизлар уруш бошлайдиган бўлсангиз, бу уруш сизлар учун ўз-ўзингизни ўлдириш бўлади.

Албатта, ақлдан озган бирор кимса ўз-ўзини ўлдириши мумкин. Бу ҳолда унинг қариндош-уруғлари йиғлаб қўя қолади, лекин бундан инсониятга зарар етмайди. Бироқ, юксак ҳокимиятга эга бўлган давлат арбоблари ўт билан ўйнашиб ўз мамлакатини уруш гирдобига ташлаш хавфини туғдираётган экан, бу билан улар фақат ўз ҳаётларингинигина эмас, шу билан бирга халқларнинг тақдирини ҳам хавф остига қўядилар. Сиз Ғарбий Германияни авантюрага тортиш билан мамлакатингиз халқини ўз-ўзини ўлдиришга йўллайсиз.

Совет кишилари урушни истамайдилар, шунинг учун ҳам биз урушни келтириб чикарадиган сабабларни йўқотишга интилмоқдамиз. Мана шу мақсадни кўзлаб, биз бошқа тинчликсевар давлатлар билан бирга шу йилнинг охирида Германия Демократик Республикаси билан сулҳ шартномасини имзолаймиз.

Совет Иттифоқи уруш қилишни таклиф этаётгани йўқ урушга кўч тўпламоқ учун бир хил мамлакатларнинг иккинчи хил мамлакатларга карши иттифокини тузишни таклиф қилаётгани йўқ. Бизнинг мақсадимиз фақат битта, у ҳам бўлса мустаҳкам тинчликдир. Тинчликни мустаҳкамламоқ учун эса, сулҳ шартномаси тузиш, шу тариқа иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларини тугатиш зарур. Биз бу мақсадимизни очиқ айтаётирмиз ва бизнинг бу мақсадимизни ҳамма тўғри тушуниб олишини истаймиз, Совет Иттифоқи собиқ иттифоқчиларимиз билан бирга Германия билан сулҳ шартномаси тузишни истайди.

Сулҳ шартномаси тузиш керак деб қилаётган даъватимиз, халқаро кескинликни сақлаб қолиш тарафдорлари бакириб даъво қилаётганидек, Ғарбий Берлинга қилинаётган таҳдид эмас, албатта. Гитлерчилар Германиясига карши биз билан ёнма-ён туриб уришган, Германияга нисбатан биз билан бирга умумий мажбуриятлар олган мамлакатлар билан бу масалада ҳам бамаслаҳат бир фикрга келишни астойдил истар эдик.

Биз Ғарбий Берлин учун эркин шаҳар статусини жорий қилишни таклиф қилаётирмиз. Ғарбий Берлиннинг социал-сиёсий тузумини асло ўзгартирмоқчи эмасмиз. Бу — Ғарбий Берлин аҳолисининг ички ишидир. Совет Иттифоқи ҳам, Германия Демократик Республикаси ҳам Ғарбий Берлиннинг жаҳондаги ҳамма мамлакатлар билан қиладиган алоқаларини чеклаб қўймоқчи эмаслар. Бироқ, халқаро ҳуқуққа мувофиқ Германия Демократик Республикасининг суверен ҳуқуклари ҳурматланиши лозим, чунки Ғарбий Берлинни ташқи дунё билан боғловчи алоқа йўллари Германия Демократик Республикасининг территориясидан ўтади.

АҚШ, Англия ва Франция ҳукуматлари Ғарбий Берлин масаласида кечаги кунни сақлаб қолишга уринмоқдалар. Буни Ғарбнинг сиёсий арбоблари ҳам эътироф қилишга мажбур бўлдилар. АҚШ сенатида кўпчиликни ташкил этган демократларнинг раҳбари Мэнсфильд 1961 йил 14 июнда сўзлаган нутқида мен Германиянинг ҳар иккала қисмида ва Европада урушдан кейин рўй берган жуда катта ўзгаришларни ҳисобга олмаётган ва ядро уруши хавфини туғдирадиган Кеннеди ҳукуматининг позициясига қўшилолмайман, деди. У уқтириб айтдики, ақлга тўғри келмайдиган позицияда қайсарлик билан турабериш мардлик эмас, балки манфаатдор бошқа томонлар билан амалий асосда гаплашиб бир фикрга келиш мардликдир. Бу тўғри гап ва биз буни фақат табриклашимиз мумкин.

Сенатор Мэнсфильд тегишли халқаро гарантиялар берилган ҳолда Ғарбий Германияни эркин шаҳарга айлантириш идеяси ҳозирги шароитда энг мақбул идея эканлигини инкор қилмаётир. У, Германия Федератив Республикаси ва Германия Демократик Республикаси шундай қарорга қўл қўйишлари ва бу қарорни бажаришга ўз ҳиссаларини қўшишлари керак, деган фикрни айтаётир.

Дуруст, Мэнсфильд шу гапни айтгандан кейин реалликни ҳис қилиш қобилиятини йўқотиб қўйиб, эркин шаҳар статуси фақат Ғарбий Берлингагина эмас, шу билан бирга демократик Берлинга ҳам жорий этилсин деб талаб қилаётир. Ваҳоланки, демократик Берлин суверен Германия Демократик Республикасининг ажралмас қисми, унинг пойтахти эканлиги ҳаммага маълум. Бас, шундай экан, Ғарбий Берлиндаги аҳволни нормаллаштиришдан иборат мушкул вазифани яна мушкуллаштиришнинг нима ҳожати бор?

Совет Иттифоқи бу масалани ҳал қилмоқ учун ҳақиқатан ва юридик жиҳатдан вужудга келган вазиятни асос қилиб олишни таклиф этаётир. Ғарбий Берлин ҳаҳолисининг мавжуд турмуш тартибини бузишни ҳеч ким талаб қилаётгани йўқ, ҳеч ким унинг ишларига аралашмоқчи эмас. Лекин Германия Демократик Республикасининг территориал яхлитлигига дахл қилишига, унинг суверенитети камситилишига Совет Иттифоқи рози бўлади деб кутиш ярамайди.

Биз Германия билан шундай сулҳ шартномаси тузишни таклиф қилаётирмизки, бу шартнома томонлардан биронтасининг ҳуқуқлари ва манфаатларини камситмаслиги, ҳеч бир давлатни бошқа давлатларга нисбатан устун қилиб қўймаслиги керак. Совет Иттифоқи кўпдан бери вужудга келган ва амалда мавжуд бўлган ҳолатни қайд қилиб қўйишни таклиф қилаётир холос. Биз Германиянинг мавжуд чегараларини юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйишни таклиф қилаётирмиз.

Ҳозирги мавжуд чегаралар Ғарбий Германия реваншчиларига ёқмаслиги мумкин, лекин бунинг учун улар ҳеч кимдан ўпкаламасликлари керак. Чегараларни ўзгартириш учун урушни биз бошлаган эмасмиз. Германиянинг ҳозирги чегаралари гитлерчилар Германияси тор-мор келтирилганлиги натижасида, босқинчилик ишини бошлаганлар тор-мор келтирилганлиги натижасида вужудга келган чегаралардир. Хозирги герман милитаристларининг аждодлари бузган тарихий адолат янги чегаралар туфайли тикланган.

Бизга, сиз Германия Демократик Республикаси билан тузмоқчи бўлган сулҳ шартномаси бир ёқлама шартнома бўлади, дейишяпти. Америка Қўшма Штатлари ўз вақтида Япония билан сулҳ шартномасини имзолаб биз билан ҳисоблашмаганлигини, ваҳоланки, биз Японияга қарши урушда АҚШнинг иттифоқчилари бўлганлигимизни радио-телевидение орқали сўзлаган нутқимда гапириб ўтган эдим. Бу билан АҚШ бизни қатнаштирмай шартномани имзолашга ўзининг ҳақли деб ҳисоблаганлигини кўрсатди, ваҳоланки ғолиб бўлиб чиққан мамлакатларнинг бири бўлган бизнинг ҳуқуқларимиз шак-шубҳасиз эди.

АҚШ ва унинг дўстлари Япония масаласида фойдаланган ҳуқуқлардан эндиликда биз ҳам Германия масаласида фойдаланмоқчимиз. Биз улардан ўрнак олаётирмиз, холос.

Агар сизлар Германия Демократик Республикаси билан сулҳ шартномаси имзоласангиз уруш киламиз деб бизга дўқ қилаётганлар бу билан ўз ҳаракатлари учун бутун масъулиятни ўз зиммаларига оладилар.

Шуни такрор айтиб ўтмоқчиманки, қилирасо кишиларнинг ҳаммаси коммунизмга қарши, Совет Иттифоқига қарши ҳар қанча ғазабланган бўлсалар ҳам лекин улар ҳозир 1941 йил эмас, балки 1961 йил эканлигини тушунишлари лозим. Бизда ҳимоя қилиш учун зарур воситаларнинг ҳаммаси бор. Аммо биз бу воситаларни ҳужум қилиш учун ишлатмаймиз, балки фақат Ватанимизни, совет халқининг тинч турмушини биз билан биргаликда тинчлик позициясида туриб бу позицияни Ғарбий Германия реваншчиларининг ва шу реваншчиларга хомийлик қилаётганларнинг кирдикорларидан муҳофаза қилаётган барча социалистик мамлакатлар халқларининг тинч турмушини ҳимоя қилиш учунгина ишлатамиз.

Ўртоқлар! Улуғ Ватан урушида социализмнинг енгилмас қудрати ўзининг бутун кучи билан намоён бўлди. Мамлакатимизга ҳужум килган пайтида Европадаги мамлакатларнинг кўпчилигини босиб олган гитлерчилар Германиясига қарши курашнинг асосий оғирлигига Совет Иттифоқининг ўзи бардош берди.

Биз гитлерчиларга қарши коалицияда биз билан иттифоқчи бўлганлар билан биргаликда фашизм устидан ғалаба қозондик деб ҳамиша айтиб келдик. Уруш вақтида Америка Қўшма Штатлари, Англия, Франция ва бошқа мамлакатлар томонидан бизга кўрсатилган ёрдамни совет халқи муносиб равишда қадрлайди. Бироқ ғалаба қозониш ишига ҳал қилувчи ҳиссани совет халқи кўшганлигини собиқ иттифоқчиларимизнинг ўзлари тушунадилар деб ўйлайман, совет кишиларининг қаҳрамонона фидокорлигини эслатаётган вақтимизда уларнинг иззат-нафсини ва сарфлаган куч-ғайратини заррача камайтираётганимиз йўқ.

Иккинчи жаҳон урушидаги ҳал қилувчи жангларнинг ҳаммаси шарқий фронтда бўлди, Америка Қўшма Штатлари иккинчи жаҳон урушида 300 мингга яқин кишини, Англия эса, тахминан 250 минг кишини йўқотган бўлса, бизнинг фронтимизда айрим жойлардагина берилган қурбонларнинг ўзи шу рақамлар билан ҳисобланади. Бизнинг мамлакатимизда урушдан кулфат тортмаган бирорта ҳам он ла бўлмаса керак. Бизнинг халқимиз ўзининг кўп миллионлаб энг яхши ўғил ва қизларини йўқотди.

Бу уруш ҳақиқатан ҳам жуда оғир уруш бўлди, лекин Совет Иттифоқи унга бардош берди. Бардош берибгина қолмади, шу билан бирга иккинчи жаҳон урушининг оғир синовларидан тағин ҳам бақувватроқ бўлиб чиқди. Уруш йилларида вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларнинг ҳаммасини совет халқи қисқа вақт ичида тиклаб олди. Эндиликда бизнинг энг ашаддий душманларимиз ҳам, Совет Иттифоқи ҳарбий жиҳатдан энг кучли давлат эканлигини тан олмоқдалар. Яна бунинг устига эндиликда Совет Иттифоқи ёлғиз эмас. Биз социалистик мамлакатларнинг улуғ ҳамкорлигида яшамоқдамиз ва меҳнат қилмоқдамиз, бу мамлакатларда бир миллиарддан кўпроқ киши яшайди.

Империалистлар иккинчи жаҳон урушини бошлаб социализмни яксон қилмоқчи бўлган эдилар. Лекин ҳақиқатда Гитлер ва Муссолини фашизми уруш ҳаробалари остида қолиб кўмилиб кетди, социализм эса жаҳонда тағин ҳам мустаҳкам бўлиб ўрнашиб олди.

Биз, коммунистлар марксизм-ленинизм улуғ идеяларининг тантана қилишига ишонамиз, совет кишилари иккинчи жаҳон уруши йилларида шу улуғ идеялар учун кучларини ҳам, жонларини ҳам аямай жанг қилдилар. Шунинг учун биз ўз идеяларимизга ишонганимиз туфайли ҳам халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик бўлсин деб талаб қилиб келдик ва талаб қилаётирмиз, ёппасига қуролсизланиш учун курашмоқдамиз.

1922 йилдаёқ Владимир Ильич Ленининг топшириғига биноан совет делегацияси қуролсизланиш тўғрисидаги таклифни Генуя конференциясига киритган эди. 1927 йилда Совет Иттифоқи қуролсизланиш тўғрисидаги ўз таклифларини Миллатлар Иттифоқига тақдим қилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Совет Иттифоқи қуролсизланиш проблемасини ҳал этишга тағин ҳам кўпроқ зўр бериб ҳаракат қилмоқда. 1959 йилда мен Совет ҳукуматининг топшириғига биноан Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қаттиқ халқаро контроль ўрнатилгани ҳолда ёппасига ва батамом қуролсизланишнинг кенгайтирилган планини киритдим. Биз бу позицияда қаттиқ турибмиз, чунки қуролсизланишни астойдил истаймиз. ҳамма одамларга тинчликни таъминламоқ учун қуролсизланиш зарур.

Қуролсизланиш учун, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун, ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши учун курашаётганимизда шунга асосланиб, иш кўрмоқдамизки, ҳар бир мамлакатнинг давлат ва ижтимоий тузуми шу мамлакат халқининг ички ишидир ва ҳеч ким унга у ёки бу хил социал тузумни зўрлаб қабул қилдиришга ҳақли эмас.

Ғарб давлатларининг сиёсатини белгилаб бераётган монополистик капитал корчалонлари давлат ва социал-сиёсий тузум масаласида бизникига қараганда бутунлай қарама-қарши концепцияга амал қилаётирлар, албатта. Улар ҳар қандай килиб бўлса ҳам капиталистик тузумни абадийлаштиришга, ўз мамлакатларидаги мавжуд тартибларни сақлаб колишни истайдиларки, бундай тартибларга шароитда кучлилар кучсизларни талайдилар-у, бойлар камбағалларни эксплуатация қилиб, камбағаллар меҳнатининг самараларини ўзлаштира берадилар.

Социализм мамлакатлари бошқа негизларда ривожланмоқда. Социалистик жамиятдаги кишиларнинг ҳаммаси ҳақиқатан тенгдирлар, чунки бизда капиталистлар йўқ ва пролетарлар йўқ. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси бутун халқнинг бахт-саодати учун, бинобарин эса ўзининг ҳам бахт-саодати учун ишлаб ўзининг муайян ижтимоий функциясини бажаради. Ишлаб чиқариш нечоғли кўпайса мамлакатимиз шу қадар бой бўла беради, бутун жамиятимиз шу қадар бой бўла беради ва шу жамиятнинг ҳар бир аъзоси ижтимоий меҳнат самараларидан баҳраманд бўла беради. Социалистик жамиятда ҳамма тенг, биздаги бу тенглик реал тенгликдир, аммо кучлиларга кучсизларни талаш ва эзиш эркинлиги бериб қўйилган «эркин дунё» деб аталган жамиятда бўлганидек расмий тенглик эмас.

Икки дунёнинг — капиталистик дунё билан социалистик дунёнинг бир-бирига қарама-қарши бўлиб турган концепциялари мана шу. Улар ҳеч қачон бир-бирлари билан муросага келмайдилар ва биз шу нарсага астойдил аминмизки, социалистик концепция энг илғор концепция бўлганлиги учун капиталистик концепциядан устун бўлиб чиқади. Лекин биз шуни қайта-қайта таъкидлаб айтаётирмизки, социал тузум ҳар бир мамлакат халқининг ўз ишидир, бу масалани халқнинг ўзи четдан ҳеч кимни аралаштирмай ҳал қилиши лозим.

Ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшашини таъминламоқ учун, давлатларнинг урушсиз яшашгина қолмасдан шу билан бирга бир-бирлари билан ҳамкорлик қилмоқлари, ўз ўрталарида савдо, маданий, илмий алоқаларни ва бошқа амалий алоқаларни авж олдирмоқлари учун Совет ҳукумати ҳамма чораларни кўраётир.

Мустаҳкам тинчликни таъминлаймиз деган ният билан биз қуролсизланиш учун курашмоқдамиз. Ғарчи Ғарб давлатлари ва аввало АҚШ ҳар хил важлар кўрсатиб қуролсизланишдан зўр бериб бош тортаётган бўлсалар ҳам биз ўз таклифларимизни қайта-қайта қўяберамиз, қуролсизланиш проблемасини ҳал қилиш зарурлигини ҳамма одамларнинг тушуниб бориши учун зўр бериб ҳаракат қила берамиз, чунки бу проблемани ҳал қилиш халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади.

Капиталистик мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари ўзларининг қуролсизланишга қарши эканликларини очиқ айтишга журъат қилолмаётирлар. Улар ўзларини мусозкараларга рози бўлаётган қилиб кўрсатмоқдалар, турли комитетларда ва кичик комитетларда бениҳоя мажлислар қила беришга ўзларининг тайёр эканликларини кўрсатмоқдалар. Иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан кейин ўтган 16 йил мобайнида қу

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ АБАДИЙ БАРҲАЁТ ҚАҲРАМОНЛИГИ

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи

(Боши учинчи бетда)

Шундай қилиб, ядро қуроли синовларини янгидан бошлаб юборганлик учун бутун жавобгарлик Ғарб давлатлари ҳукуматларининг устига тушади.

Совет Иттифоқи тинчлик сиёсатини, социал тузуми турлича бўлган давлатлар билан тинч-тотув яшаш сиёсатини, айрим давлатларнинг бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслиги сиёсатини зўр бериб ўтказиб келмоқда. Совет Иттифоқи ўз музокарадошларидан жуда қаттиқ контроль остида ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида битимга келишни, ядро қуролини тақиқлаш тўғрисида битимга келишни талаб қилмоқда.

Биз ўзимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсатимизни изчил равишда ўтказериш билан бирга биз давлатларнинг социал ва сиёсий тузуми масалалари, синфий кураш ва у ёки бу мамлакат ичидаги тартибларни ўзгартириш масалалари ҳар бир давлат халқининг ўз иши деб ҳисоблаб келдик ва ҳисоблаймиз.

Совет ташқи сиёсати халқларга манзур ва уларнинг ишончига сазовор бўлди, биз бу билан фахрланамиз. Совет Иттифоқи, социализм мамлакатлари, бутун дунёда тинчликни сақлаш учун жуда катта куч ва ғайрат сарфламоқдалар, давлатлар ўртасидаги муносабатларда низоли ёки етилмаган масалаларни тинч йўл билан бартараф қилишга интилмоқдалар.

Жуда катта иқтисодий ва ҳарбий қудратга эга бўлган Совет Иттифоқи ўз кучларидан агрессив мақсадларда ҳеч қачон фойдаланмаган ва ўз ва фойдаланмайди. Аксинча, Совет Иттифоқи куч ва ғайратини тинчликни таъминлашга сарфламоқда.

Ўртоқлар! Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун Ленин мукофоти билан — ана шу юксак мукофот билан тақдирланганлигим учун фахрланаман. Мен бу мукофотни фақат Совет Иттифоқи Ҳукуматининг бошлиғи сифатида шахсан сарфлаган куч ва ғайратимнинг эътироф қилиниши деб ҳисоблаб қолмасдан, шу билан бирга мамлакатимиздаги ҳамма халқларни тинчликни мустаҳкамлаш учун зўр бериб курашаётганлигини кўрсатганлигининг ва бу курашда сарфлаётган куч-ғайратининг ҳам эътироф қилиниши деб ҳисоблайман, мен бу ҳақда гапириб ўтган эдим.

Хрушчев, тинчлик учун курашчи, бу ялпи тинчликни таъминлайди ва ҳоказо деган гаплар бизнинг матбуотимизда кўп ёзиладиётир. Бу гаплар қулоққа ёқади, албатта. Лекин фақат бир мамлакат, Совет Иттифоқи синғари мамлакат ҳукуматига ҳатто бошчилик қилиб турган бир кишига бутун умидни боғлаб қўйиб, бошқалар пассивлик қилиши мумкин бўлган бир вақтда фақат шуларнинг ўзи тинчликни таъминлайди деб ўйлаш тинчликка хизмат қилиш бўлмай, балки агрессия кучларига, уруш кучларига хизмат қилиш бўлади.

Турмуш шуни кўрсатиб турибдики, бутун дунёда тинчликка эришмоқ учун қандайдир бир мамлакатнинг куч-ғайратига кўз тикиш кифоя қилмайди. Қандайдир «қаҳрамонларни» топиб олиб улар тинчликни таъминлайдилар деб ҳисоблаш кифоя қилмайди. Ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминламоқ учун планетамизнинг ҳамма халқлари тинчликни мустаҳкамлаш йўлидан ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сарфлашлари зарур. Қуролсизланишга қаршилик қилаётган, уруш бошламоқ учун қурол-яроғ тўплаётган ҳукуматларни халқлар ва фақат халқлар бундай хатарли ва ақлга тўғри келмайдиган сиёсатни тўхтатишга мажбур қилишлари мумкин.

Ҳар бир мамлакатнинг халқлари бошқа мамлакатларга кўз тикмай балки уруш тарафдори бўлган кишиларга қарши ўз мамлакатлари ичида омонсиз курашни авж олдириб юборганларидагина, тинчликни таъминламоқ учун ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сарфлаганларидагина тинчликни таъминлаш мумкин.

Ҳамма халқлар тинчлик бўлишини, тинч-тотув яшашни истайдилар. Фақат бир ҳовуч империалистлар, монополистик капитал намояндалари Ғарбий Германиядаги агрессив кайфиятда бўлган бир ҳовуч реваншчиларгина бошқача фикрдадирлар. Лекин бутун фожиа шундаки, шу доираларнинг намояндалари Ғарб мамлакатларидаги команда юксакликларини эгаллаб олганлар, ҳукуматлардаги энг масъулиятли мансабларда турибдилар ва Ғарб мамлакатларининг сиёсатини белгилаб бермоқдалар.

Шу сабабли ҳеч бир халқ ер юзида энг кирғин урушнинг даҳшатли оловини ловуллатмасликка ҳақиқатан интилаётган тақдирда ҳам у тинчлик учун олиб борилаётган умумий курашдан четда туриши мумкин эмас. Фақат халқларгина ўз ҳукуматларини ҳарбий эҳтиросларни ва зўр бериб қуролланишни авж олдиришга қаратилган хатарли йўлдан воз кечишга мажбур қилишлари, агрессив кучларни тўплаш сиёсатини, уруш тайёрлаш сиёсатини ўтказаётган кишиларни зарарсизлантиришлари мумкин ва лозим, буни халқлар тушуниб олишлари зарур.

Совет ҳукумати бизнинг халқимиз халқаро вазиятнинг қандай ҳолатга тушаётганлигини диққат билан кузатиб туришлари лозим. Маълумки, Совет Иттифоқи халқаро кескинликни юмшатишга эришмоқ учун кўп куч ва ғайрат сарфлади. Бизнинг ҳукуматимиз ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида таклиф киритди, бу таклиф жаҳоннинг ҳамма мамлакатларида қизғин маъқулланди ва қувватланди. Биз чет эллардаги ҳарбий базаларимизнинг ҳаммасини тугатдик. Совет Иттифоқи ўзининг қуролли кучларини ўз ташаббуси билан бир неча марта камайтирди.

Бироқ қуролсизланиш тўғрисида биз билан музокаралар олиб бораётган Ғарб давлатлари шундай ташаббус кўрсатмадилар, ўз қуролли кучларини камайтириш йўлига тушмадилар. Аксинча бу йил Америка Қўшма Штатлари қуролланишга ажратилган маблағларни ўтган йилдагига нисбатан қарийб икки ярим миллиард доллар кўпайтирмоқда. Ҳозирги вақтда Қўшма Штатларда қуролли кучларнинг сонини кўпайтириш масаласи муҳокама қилинмоқда. Озодлик ҳаракатларини бостирмоқ учун Ғарбнинг империалистик доираларига маълум бўлмаган ҳукуматларга ва давлат тузумига карши курашмоқ учун бошқа мамлакатларга юборилиши лозим бўлган партизан отрядлари деб аталган отрядлар тузиш билан АҚШ да шуғулланилмоқда. Бу отрядлар одамларни ўлдириш, деверсиялар қилиш, қўпорувчилик ишларини бажариш учун тайёрланмоқда.

Канцлер Аденауэр бундесвер учун атом қуроли талаб қилаётир. Албатта, Ғарбий Германия милитаристлари ўйнашиш учун эмас, балки ўзлари Совет Иттифоқига, социализм мамлакатларига ва бошқа давлатларга қарши тайёрлаётган реваншчилик авантюралари учун атом қуролига эга бўлмоқчилар.

Равшандирки, Ғарб давлатларининг бу хилдаги тадбирлари халқаро вазиятни яхшилашга, қуролсизланиш тўғрисида битимга келишга қаратилган тадбирлар бўлмай балки давлатлар ўртасидаги муносабатларни кескинлаштиришга, «совуқ уруши» авж олдиришга қаратилган тадбирлардир. Социализм душманлари, агрессив милитарист доиралар бизни ғафлатда қолдирмасликлари учун вазиятга баҳо беришга сергак бўлишимиз, ҳушёр бўлиб туришимиз лозим.

Ватанимизнинг қудратини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамламоқ учун, экономикамиз, фанимиз ва техникамизни тағин юқори кўтармоқ, халқнинг турмуш даражасини ва маданиятини оширмоқ учун бутун кучни сарфлашимиз зарур. Октябрь революциясининг ғалабаларини, социализм ғалабаларини қўриқлаб турган мамлакатимизнинг қуролли кучлари тўғрисида ҳозир ҳам илгаригидек тинмай ғамхўрлик қилишимиз лозим. Бизнинг қуролли кучларимиз Совет Иттифоқининг хавфсизлигини мустаҳкам равишда таъминлашга ҳамиша шай бўлиб туриши, Ватанимизнинг эркинлигига ҳамла қилган ҳар қандай ёвни дарҳол тор-мор келтирмоқ учун зарур нарсаларнинг ҳаммасига эга бўлиши лозим. Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга нисбатан агрессив планлар тузаётганлар, урушни бошлаган ва ҳужум қилган тақдирда ўз бошларига қандай кунлар тушишини билиб қўйсинлар.

Совет ҳукумати зўр бериб қуролланишга хотима бермоқ, ҳарбий харажатларнинг оғир юкини халқлар устидан олиб ташламоқ учун қўлидан келган ҳамма чораларни кўрмоқда. Моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқаришда мусобақа қилайлик деган бизнинг даъватимизга империалистик давлатлар, афсуски ҳарбий харажатларни кўпайтириш, ўз қуролли кучларининг сонини ошириш билан жавоб бермоқдалар. Бу ҳол Совет Иттифоқини ҳам мудофаамизни кучайтирмоқ ва такомиллаштирмоқ учун қуролланишга ажратиладиган маблағларни кўпайтиришга ва агар керак бўлиб қолса, — тинчликни ва тинч-тотув яшашни ўз қудратимизга таяниб таъминламоқ учун қуролли кучларимизнинг сонини ҳам кўпайтиришга мажбур қилиб қўйиши мумкин.

Азиз ўртоқлар! Совет кишиларининг яратувчилик меҳнатини мухофаза қилиб турган шавкатли қуролли кучларимизга партиямиз Марказий Комитети ва Совет ҳукумати номидан табрик сўзлари билан мурожаат қилишга ижозат бергайсиз. Биз солдатлар ва матросларни, сержантлар ва старшиналарни, офицерлар, генераллар, ва адмиралларни қизғин табриклаймиз, уларнинг олийжаноб ҳарбий ишларида катта муваффақиятлар тилаймиз.

Совет Иттифоқининг мудофаасини мустаҳкамлаш қуролли кучларимиз қўшинларининг ҳамма турларини — пиёда қўшинларни ва артиллерияни, инженерлик қўшинларини ва алоқа қўшинларини, бронетанк қисмлар ва ҳарбий денгиз флотини, ҳарбий ҳаво кучлар ва ракета қўшинларини такомиллаштиришга боғлиқдир.

Ракета қўшинларининг зиммасидаги, айниқса турли узоқ масофаларга отиладиган баллистик ракеталарга, тактика ракеталаридан тортиб, қитъалараро ракеталарга қадар хизмат қилаётган қисмлар зиммасидаги масъулият ҳозирги вақтда айниқса катта. Уларнинг жанговар тайёргарлиги ва чиниқканлиги юксак даражада бўлиши лозим, чунки жуда кўп нарса ракета қўшинларига боғлиқдир. Уларнинг қақшатгич қуввати шундаки, улар биринчи навбатда ҳар қандай потенциал агрессорни бизга ва иттифоқчиларимизга ҳужум қилишдан тийиб турадилар. Бу қўшинларнинг жавоб зарбаси бериш қобилияти шундай кучлидирки, агар агрессор ҳар нучук ақлдан озиб янги уруш бошлашга журъат қилса бу куч шу агрессорни муқаррар жазолайдиган кучдир.

Гитлерчилар Германияси Совет Иттифоқига хоинларча ҳужум қилганлигига йигирма йил тўлган бугунги кунда бизнинг фикримизда улуғ совет Ватанининг эркинлиги ва мустақиллиги учун ўз жонини фидо қилган кишилар гавдаланади. Совет Армияси ҳарбий денгиз флотининг фашист босқинчиларига қарши жангларда ботирларча ҳалок бўлган шонли жангчиларининг, шавкатли партизанларнинг улуғ қаҳрамонлиги асло халқимизнинг эсидан чиқмайди. Бу даҳшатли урушда ҳалок бўлган миллион-миллион тинч совет кишилари бизнинг хотирамизда абадий сақланади. Бизнинг мамлакатимизда шундай бир оила йўққки, у ўз эри ёки ўғлини, ака-укаси ёки отасини, қизи ёки опа-синглисини йўқотмаган бўлсин.

Фашист босқинчиларга қарши Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашда ҳалок бўлганларнинг хотирасини ўрнларингиздан туриб ҳурматлашларингизни илтимос қиламан ўртоқлар (**ҳамма ўрнидан туради**).

Халқимиз Ватанимизнинг озодлигини ва мустақиллигини ҳимоя қилиш учун курашиб, жуда катта қурбонлар берди. Бу қурбонлар улуғ, олийжаноб иш учун берилган қурбонлар бўлди. Мана энди, Улуғ Ватан уруши бошлангандан бери ўтган йигирма йил ичида шу уруш тамом бўлгандан кейин ўтган ўн олти йил ичида бизнинг мамлакатимиз ўз экономикаси, маданияти, фани, техникасини ривожлантиришда мислсиз юксакликларга кўтарилди ва шаҳдам қадам ташлаб янги ғалабалар сари олға бормоқда.

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида, марксизм-ленинизм байроғи остида биринчи бўлиб социалистик революцияни рўёбга чиқарганлиги ва инсоният тарихида яни давр очганлиги билан фахрланамиз. Илмий коммунизмнинг буюк асосчилари яхши турмушга олиб борадиган биринчи сўқмоқ йўлларни очиб бердилар. Эндиликда эса бу сўқмоқлар бутун инсониятнинг кенг йўлига айланди, кўп мамлакатларнинг халқлари шу йўлдан бориб ғалаба қозанмоқдалар.

Совет халқи социализм қуриб олиб, коммунизм қуриш йўлидан ишонч билан олға бормоқда. Партия Марказий Комитетининг Пленуми яқинда маъқуллаган ва ҳамманинг муҳокама қилиши учун эълон қилинадиган партиямиз программасининг лойиҳаси коммунизм қуриш учун, бутун инсониятнинг асрий орзусини рўёбга чиқариш учун авж олдириладиган курашнинг кенг жабҳасини белгилаб беради. Бу улуғ ишда қатнашишдек катта бахтга муяссар бўлдик.

Яшасин ғолиб халқ бўлган совет халқи!

Яшасин Совет Иттифоқининг шавкатли қуролли кучлари!

Яшасин ҳамма ғалабаларимизнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси— Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Яшасин бутун дунёда тинчлик!

(**Н. С. Хрушчевнинг нутқи гулдурос, давомли қарсаклар билан бир неча марта бўлниб турди. Нутқ тамом бўлгандан кейин ҳамма ўрнидан туради. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати шарафига табрик хитоблари, «Ура!» садолари янграйди**).

БЕГОНА ЎТ ВА ҲАШАРОТГА ҚАРШИ КУРАШАЙЛИК!

Чиноз районидаги Навоий номли колхозда ғўза зараркунандаларига қарши кескин кураш олиб борилмоқда. Бу соҳада колхоз химизатори Н. Хожибеков, агроном Э. Йўлдошев ўртоқлар яхши ишламоқдалар. Суратда: колхознинг С. Тўхтабоев бошлиқ бригадасида ғўза зараркунандаларига қарши самолет орқали дори сепилмоқда.

А. Абалян фотоси.

☆

ҒАЙРАТ ҚИЛМОҚДАЛАР

Эрта кўкламдан буён ишни пухта ташкил этган бригада аъзолари, эндиликда ўз меҳнатларининг самаралари ни кўриб турибдилар: 95 гектар майдоннинг ҳаммасида чигит бир текис ундириб олиниб, ғўза парвариши кучайтириб юборилди.

Мўл ҳосилга шу кунларда замин яратилишини яхши тушунган бригада аъзолари культивация, озиқлантириш, суғориш ишларини бир-бирига боғлаб ўтказмоқдалар. Шунинг учун ҳам ғўза туплари эрта гул кўрсатди.

Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг 3-бўлимидаги ўртоқ Анвар Чуйгунов бошлиқ трактор-далачилик бригадасида иш ана шундай қизғин бораёт.

А. КУЧАРОВ.

ОҚҚЎРҒОНЛИКЛАР БЕЛНИ МАҲКАМРОҚ БОҒЛАШЛАРИ КЕРАК

Райижроком раисининг кабинетига кирганимизда ўрток Д. Айтқулов телефонда ким биландир гаплашиб ўтирарди. У билан саломлашиб, бироз ўнг-буёқдан гаплашганимизнан сўнг:

— Хўш, бу сафарги маршрут қаёққа?— деб сўради у.

— Қуйбишев номли колхозга.

Бу гапимиз уни бироз ташвишлантириб қўйди шекилли, дарҳол колхоз идорасига қўнгироқ қилди:

— Алло, бу раисми, Ўртоқ Раҳмонов, сизнинг колхозингизга Тошкентдан келган меҳмонлар боришмоқчи. Уларга энг яхши карталарингизни кўрсатасиз-да,— деди у.

Район марказининг биқинингасига жойлашган бу колхозга кўп ўтмасдан етиб келдик. Раис бизни, ўртоқ Айтқулов таъбири билан айтганда, «энг яхши» бригада далаларига бошлаб борди. Мана, шунақа «энг яхши»ларидан бири ўртоқ Жўра Сафаров бошлиқ бригада экан. Шийпонга боравершида йўлнинг ўнг томонидаги катта картада 5—6 киши чопиқ қилаяпти. Бу картанинг ғўзаларини қалин ўт босган.

— Мана шу картангиз неча гектарлик?— сўрадик бригадирдан.

— Уттиз.

Шийпоннинг олдида бир универсал турарди. Унинг атрофида ивирсиб юрган тракторчи Бобохўжа Назруллаев қайсидир қисмни тузата олмай хуноб эди. Унинг бу ҳаракатидан бироз ҳижолат тортган раис қозоннинг қопқоғини ёпиб қўяқолди:

— Мана бу тракторимиз ҳозир картадан чиқди. Дам ўтмай, яна ишга тушади,— деди у.

Бригада аъзолари бу йил 70 гектар ерга чигит экиб, пландаги 25.5 ўрнига 30 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олган эканлар. Кўриниб турибдики, далаларда ҳозир қилинаётган ишлар бу мажбуриятга яраша эмас. Бу ерда биринчи суғориш 29 майда бошланган. Ўша куни суғорилган олти гектарлик картага ҳалигача иккинчи сув қўйилмабди. Оқибати маълум — ғўзалари сувсизликдан қақраб ётибди. Бригадирнинг айтишича, бу ерда ҳаммаси бўлиб икки кишигина сув тараяпти. Қолганлари чопиққа жалб этилибди.

Раҳбарларнинг «энг яхши» деб кўрсатган бу бригадасида аҳвол шу бўлса, бошқаларида қандай экан?!

Шундан кейин колхознинг Т. Ўтамишев, О. Исроилов, А. Дадабоев, Т. Мирзакаримов ва бошқа ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларининг далаларида ҳам бўлдик. Бу бригадаларда аҳвол янада аянчли. Масалан, ўртоқ Т. Ўтамишев бошлиқ бригада далаларида биринчи суғориш 10 июндагина тамомланган. 18—20 майда суғорилган 9 гектарлик майдоннинг ғўзалари киши ачинадиган даражада чанқаб ётибди. «Бу картани иккинчи марта қачон суғорасизлар?» десак, «20 июлларга бориб суғорсак керак» деди эътиборсизлик билан бригадир.

Ўртоқ А. Дадабоев бошлиқ бригадада 32 киши ўрнига 20 киши ишлаяпти. Бу ерда ишлаётган бир-тагина трактор қунига уч гектар ерни культивация қилаяпти, холос. Колхозда мавжуд техникани бригадаларга тақсим қилиш ҳам жуда ёмон ташкил этилган. Баъзи бригадаларда 2—3 талан трактор ишлагани ҳолда, 1, 9, 10 14-бригадаларда бирорта ҳам трактор ишламаяпти. Ваҳоланки бу бригадаларнинг ҳар бири 70—80 гектарлаб ерда ғўза ўстираяпти.

Колхозда ўтган йили бир центнер пахтанинг таннархи 201 сўмга тўғри келган экан. Бу, албатта, жуда қиммат. Пахтанинг таннархини камайтириш учун бу йил ҳам кўзга кўринарли дурустроқ бир иш қилинаётгани йўқ. 900 гектар ердаги пахтани машинада теришга мўлжаллаб қўйилган бўлса ҳам, бу майдонларда ғўза парвариши машина теримига мослаб олиб борилмаяпти. Агар аҳвол бундан кейин ҳам шундай давом этаверса, колхоз пахтакорлари зиммаларига олган 3158 тонна пахтани давлатга етиштириб бера олмайдилар.

Биз юқорида районнинг биргина Куйбишев номли колхозида йўл қўйилаётган камчиликларни санаб ўтдик. Бундай камчиликлар районнинг бошқа хўжаликларида ҳам тўлиб-тошиб ётибди. Масалан, «Октябрь 40 йиллиги» колхози пахтакорлари бу йил давлатга 2598 тонна пахта сотиш мажбуриятини олганлар. Шу кунлардаги аҳвол эса бунга мутлақо моналд келмайди. Колхознинг Ю. Безгенов, С. Мусурмонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ғўза парвариши яхши уюштирилган. Лекин, О. Мирзабеков, Ў. Абдураҳмонов, О. Кенжаев ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларда йўл қўйилаётган камчиликларга тоқат қилиб бўлмайди. Масалан, ўртоқ О. Мирзабеков бошлиқ бригадада 30 гектардан ортиқроқ майдонни қалин ўт босган бўлса ҳам, 50 ишчидан ҳар куни атиги 30—35 киши ишга чиқади.

Районнинг қатор колхозларида ғўзанинг офати — ҳашаротларга қарши кураш олиб борилмаяпти. Сталин номли, «Озод», Куйбишев номли, Хрушчев номли, Калинин номли колхозларда ОДН аппаратлари мутлақо ишламаяпти. Бу колхозларда мавсум бошидан бери юз гектарга ҳам етар-етмас ердаги қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши дори сепилган. Айниқса, Хрушчев номли ва Калинин номли колхозларда ҳанузгача бирор гектар ерга дори пуркалмаган. «Октябрь 40 йиллиги» ва Хрушчев номли колхозлардаги ғўза қатор ораларини қалин ўт босган бўлишига қарамасдан, уларни йўқотиш ишига панжа орасидан қаралмоқда.

Районда ҳозиргача 13 минг гектардан ортиқроқ майдондаги ғўзалар шоналаган. Қолган майдонлардаги ғўзаларнинг ишлови қониқарли бўлмаганлиги туфайли уларнинг ривожи паст, шона кўрсатиши сust. Район бўйича ҳозиргача 94 гектар ердаги ғўза ягана қилинмаган. Қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши 3556 гектар ерга дори сепилган.

Районда йўл қўйилаётган бу хилдаги кечириб бўлмас камчиликлар бундан кейин ҳам давом эттирилаверса, пахтакорлар бу йил зиммаларига олган 43 минг тонна пахтани етиштира олмасликлари ва кузакка бориб, областимизнинг бошқа пахтакорлари олдида, халқ олдида ўтган йилдаги сингари бу йил ҳам ерга қараб қизариб қолишлари турган гап. Ана шунинг учун улар шу долзарб кунларда ҳар бир ғанимат фурсатни бекор ўтказмай, белни маҳкамроқ боғлаб ишга киришишлари ва ғўза парваришини кескин яхшилашлари лозим.

Ш. ШОРАҲМЕДОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Тухум сотиш йиллик планини бажардилар

Ярим йилликнинг якунланишига саноқли кунлар қолди

ЎЗ МАЖБУРИЯТЛАРИНГИЗНИ ҚАНДАЙ БАЖАРАЯПСИЗ?

Оққўрғон районининг колхозлари партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажаробориб, давлатга тухум сотиш йиллик планини 100,2 процент бажардилар. Давлатга 570106 дона тухум етказиб берилди. Бу соҳада Ворошилов номли, «Озод» колхозлари айниқса юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Район қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўз имкониятларини ҳисоблаб, давлатга пландан ташқари яна 40 минг дона тухум сотишга аҳд қилдилар.

Шунингдек Юқори Чирчиқ районида ҳам давлатга тухум сотиш йиллик плани муддатидан илгари бажарилди. Пландаги 1 миллион 580 минг дона ўрнига 1 миллион 582 минг дона, яъни ўтган йилдагидан 170 минг дона кўп тухум сотилди

Бу район колхозлари гўшт етиштиришни кўпайтиришда ҳам бир қатор ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Район колхозлари давлатга гўшт сотиш ярим йиллик планини 105 процент адо этдилар. Жун сотиш ярим йиллик плани ҳам ортиғи билан бажарилди.

Давлатга тухум сотиш давом этмоқда. Юқоричирчиқликлар пландан ташқари яна 200 минг дона тухум сотиш учун курашмоқдалар.

КУЛЬТИВАЦИЯ СИФАТЛИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Тўхтасин Усмоналиев Бекобод районидаги Ленин номли колхознинг ўртоқ Абдураҳмат Сариқулов бошлиқ бригадасида хизмат қилади. У юз гектар ерга чигитни агротехника қоидалари асосида квадрат-уялаб экди. Чигит бир текис униб чиқиши билан оқ моҳир механизатор узунасига ва кўндалангига культивацияни бошлаб юборди.

— Тўхтасин ўз ишини пухта билади, — дейди бригадир Абдураҳмат ака. — у иш бошлашдан олдин агрегатини пухта созлайди. Қатор ораларини зарур кенглик ва чуқурликда юмшатади. Шунинг учун ҳам колхозчилар унинг ишидан хурсанд бўлмоқдалар. Ҳар туп ғўзани кўз қорачўғидай асраб парвариш қилаётган бу механизатор мўл ҳосилга замин яратилишида бизга астойдил ёрдам бермоқда.

Тўхтасиннинг шу кунгача 300 гектардан ортиқ майдондаги ғўзани культивациядан чиқарганлиги бригадирнинг гапларини тасдиқлайди.

— Мен бу йилги мавсумда 200 тонна пахта теришга аҳд қилганман, — дейди Тўхтасин, — шунинг учун ҳам бригадамизда ғўза машина теримига мослаб парвариш қилинаяпти. Биз суғориш, озиқлантиришни ўз вақтида ўтказиб, ғўзанинг ўрта бўйли, машина теримбоп бўлиб ўсиши учун курашаётирмиз.

Ленин номли колхознинг ўртоқ А. Сариқулов бошлиқ бригада аъзолари 110 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» етиштириш юзасидан олган мажбуриятларини шараф билан бажариб, КПСС XXII съездини ёруғ юз билан кутиб олишга бел боғлаганлар. Бу курашга механизатор Тўхтасин Усмоналиев муносиб ҳисса қўшмоқда.

К. БЕГМОНОВ.

ЛОНДОНДА ОЧИЛАДИГАН СОВЕТ ВИСТАВКАСИ

МОСКВА, (ТАСС). Лондоннинг «Эрлис коурт» деган энг катта виставка биносида 7 июлда Англияда биринчи Совет савдо-саноат виставкаси очилади. Бир минга яқин корхонанинг иштироки билан тайёрланган 10 минг экспонат Буюк Британия кенг жамоатчилигини СССРнинг фан, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, маданияти ва ташқи савдо соҳасидаги ютуқлари ва перспективалари билан, шунингдек совет кишиларининг ҳаёти ва маиший аҳволи билан таништиради.

Лондонда очиладиган виставкага бағишлаб, СССР Министрлар Советининг Чет эллар билан маданий алоқа Давлат комитетида матбуот конференцияси ўтказилди. Матбуот конференциясида шу комитет раисининг ўринбосари И. Г. Большаков ва Бутуниттифоқ Савдо палатаси президиумининг раиси М. В. Нестеров сўзга чиқдилар. Улар Лондонда ташкил этиладиган виставка Совет Иттифоқининг чет элларда шу вақтгача ўтказган виставкалар орасида энг катталаридан бири эканлигини айтдилар. Виставка экспозициялари 25 минг квадрат метр майдонда жойлаштирилади.

Юрий Гагаринниг Ер атрофини айланиб учиши ҳақидаги ва совет фанининг космосни забт этишига доир материаллар виставканинг мағизини ташкил этади.

Шунингдек виставка СССР билан Англия ўртасида савдо алоқаларининг кенгайишига ёрдам бериши лозим. Буюк Британиянинг савдо-саноат доиралари Совет Иттифоқининг экспорт имкониятлари билан танишишлари мумкин бўлади.

Н. Г. Большаков ва М. В. Нестеров бу виставка СССР билан Буюк Британия ўртасида экономика ва маданиятнинг ҳамма соҳаларидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун фойдали бўлади, деб умид билдирдилар.

Ю. А. Гагарин Кубага боради

Куба Республикаси бош министри Фидель Кастронинг ва жаҳон халқлари дўстлиги Куба институтининг таклифига биноан, биринчи космонавт, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ю. А. Гагарин Кубага боради. У Куба халқининг миллий байрами — 26 июль байрамига бағишланган тантаналарда қатнашади.

ТОШКЕНТНИНГ *тамоша далаларида*

ТЕАТР

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/VI да **Чио-Чио-Сан**, 24/VI да **Боғчасарой фонтани**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА— ёзги винода: 23/VI да **Гамлет**, 24/VI да **Ганг дарёсининг қизи**.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Балтика осмони (1 ва 2-серия) — «ВАТАН», «МИР», НАВОИ номли, «ИСКРА», СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2 ва кеч 9 да).

Шўх қайрилишлар — «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч соат 5 дан).

Узоқ соҳилларда — НАВОИ номли (эрталаб соат 10 ва кеч 5-20 минутда).

Сенинг дўстларинг — «ЎЗБЕКИСТОН» (кеч соат 5 гача).

Мундирсиз солдатлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 12, кеч 5 ва 7 да).

Қизил галстук — «СПУТНИК» (эрталаб соат 10 да).

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Балтика осмони (1 ва 2-серия) —«ВАТАН», НАВОИ номли (кеч соат 9-15 минутдан. «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч 9 дан), ПУШКИН номли (кеч 9-40 минутдан).

Сенинг бахтинг — КАФАНОВ номли (кеч соат 9-20 минут).

Шўх қайрилишлар — ТЕЛЬМАН номли (кеч 9 да), «УДАРНИК» (кеч 9 ва 11 да).

Мундирсиз солдатлар — ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 10-45 минутда).

Инсон тақдири — «ПОБЕДА» (кеч соат 9-15 минут ва 11 да).

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА
ТЕЗ КУНДА
Жаҳонда биринчи бўлиб космосга парвоз қилган
Ю. А. Гагаринга бағишланган
ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
А. Левада асари
Ассалом, юлдузлар!
3 пардали драма.
Ҳамид Ғулом таржимаси.
Режиссёр — **А. З. Қобилов**, рассом — **Г. Э. Юнгвальд-Хилькевич.**

Тошкент шаҳрида ишлаш учун: Қурувчи инженерлар ва техниклар, ғишт терувчилар, суваоқчилар, дурадгорлар, ёрдамчи ишчилар
керак
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 13-уй. Телефон 98-567.

Қизил Қўшин кўча, Қизил кўприк проезд, 13-уйда турувчи **Наби Муталович Шоҳидовнинг** шу уйда турувчи Машкура Ҳикматуллаевна Шоҳидова (Раҳматуллаева)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Лабзак кўча, 7-тупик, 104-уйда турувчи **Шакир Нурлукаевич Хусниярованинг** шу уйда турувчи Минура Шакировна Насибуллинадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р.09187. Нашр. В. 1623.